«АРМИЯ БИАТЛОНИ» – ЯНГИ ҲАРБИЙ МУСОБАҚА ◂◂ 3

7 ▸▸ ТОҒ ТАЙЁРГАРЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ МАЛАКАЛАРИ ОШИРИЛДИ

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ
VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

# VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефон орқали сканер қилинг.

2020 йил 6 март, №10 (2865)




# АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 2020 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва анъаналаримиз қатори Наврўз байрамининг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгиланиш, яхшилик ва бағрикенглик, табиатни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас ғоялар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунига ғоят ҳамоҳанг эканини таъкидлаш лозим.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро байрам сифатида белгиланган Наврўзи оламнинг ана шундай беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш мақсадида:

1. 2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонлаш бўйича «Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистоним!» деган бош ғоя-ни ўзида мужассам этган Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш концепцияси ва ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Мазкур концепция ва дастурни тайёрлашда барча тадбирларни том маънода умумхалқ сайли ва шодиёнаси сифатида ўтказиш, уларда кенг халқ оммасининг фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга

2-бетда ▸▸


10-бетда
ЭСКИ ШАҲАРЛИК
ТАБАРРУК ИНСОН ҲУЗУРИДА


13-бет
41 МИНГ БОЛАГА ДОЯЛИК ҚИЛГАН
АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГ


17-бетда
ОЛОВ – ДЎСТ, ОЛОВ – ДУШМАН!

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнгги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг: t.me/mudofaa_press facebook.com/UzArmiya instagram.com/uzbekistanarmy

◀◀ 1-бетда

алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини кўрсатиб берадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ташкил этиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

халқимизга хос бўлган меҳр-мурувват, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик фазилатлари асосида нуроний кексаларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

юртимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўзни нишонлашга оид урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз байрами арафасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умумхалқ ҳашарлари, кенг қамровли ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

тадбирлар бўлиб ўтадиган жойларда ҳунармандчилик кўргазмалари, китоб расталари, кўчма савдо дўконлари, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш ҳамда саҳналарни ўрнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ва мусобақаларни ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хиёбонлар ва майдонларни безатишда катта маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ижодкорлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Наврўз умумхалқ сайилларига хорижий ва маҳаллий туристларнинг ташрифини ташкил этиш мақсадида кенг тарғибот ва тайёргарлик ишларини амалга оширсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 март

**ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

# «НАТО операцияларида ҳуқуқ» мавзуида ўқув машғулотлари

Шу кунларда Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (НАТО) мутахассислари – майор Эндрю Картер (Буюк Британия), полковник Ян Стинисен (Голландия), капитан Брит Молл ван Хут хоним (Голландия) юртимизда бўлиб турибди. Улар иштирокида «НАТО операцияларида ҳуқуқ» мавзуида ўқув машғулотлари бўлиб ўтмоқда.



Қуролли Кучлар академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факультети тингловчилари учун ташкиллаштирилган мазкур ўқув машғулотлари беш кун давом этади. Хорижлик мутахассислар НАТО дастури асосида Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига ҳуқуқ йўналишида маърузалар ўқишади. Ўқув машғулотлари якунида тингловчиларга махсус сертификатлар берилиши кўзда тутилган.

Ўз навбатида Гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси полковник Раҳимжон Обидов меҳмонларга Қуролли Кучлар академияси ҳақида етарлича маълумот бериб, ўтказилаётган ўқув машғулотлар ҳар икки томон учун самарали бўлишини таъкидлади.

**Камолиддин АСРОР**

# МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталига Ҳиндистон Илмий-тадқиқот махсус армия госпитали мутахассисларидан иборат делегация ташриф буюрди.

Ҳарбий тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни изчил давом эттириш ҳамда тажриба алмашиш мақсади кўзланган ташриф давомида илғор тажрибаларни қўллаш бўйича илмий-услубий анжуман, маҳорат дарслари ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Ҳиндистон Илмий-тадқиқот махсус армия госпитали шифокорлари билан ҳарбий тиббиёт соҳасида халқаро ҳамкорликдаги ишлар натижаси ва истиқболлари муҳокама этилди.

– Ушбу госпиталь билан ҳамкорлик алоқаларимизга ўтган йили тамал тоши қўйилган эди, – дейди Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғининг ўринбосари тиббий хизмат полковниги Баҳодир Абдулаҳадов. – Ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда беморларни кўрикдан ўтказиб, уларга зарур муолажалар қўллаш хусусида фикр алмашдик. Шунингдек, травматология, нейрохирургия, терапия, кардиохирургия, турли шикастланиш, хасталик ва жароҳатларнинг олдини олиш юзасидан мунозара юритдик. Мутахассисларимизнинг илмий тадқиқот фаолиятини янги босқичга кўтариш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам кутилган самарасини бериши шубҳасиз.

Хорижлик меҳмонлар госпиталда яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар билан яқиндан танишиб, ўз таассуротларини ўртоқлашди.

Олти кунлик дастурнинг энг асосий тадбирларидан бири Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тиббий таъминот бошқармаси ва Ҳиндистон Илмий-тадқиқот махсус армия госпитали ўртасида ҳамкорлик меморандумининг имзоланиши бўлди. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ҳарбий ҳамкорлик уфқларини тобора кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳиндистон делегациясининг мамлакатимизга ташрифи Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари қадимий шаҳарларимиздаги нодир маданият ёдгорликлари, осори атиқаларни ўз ичига олган муқаддас қадамжоларга саёҳат билан ўз якунига етди.

**Дилшод ШУҲРАТ ўғли**



Муаллиф суратга олган

ЖАРАЁН

# «АРМИЯ БИАТЛОНИ» – янги ҳарбий мусобақа

Мудофаа вазирлиги тизимида «Армия биатлони» номли янги ҳарбий мусобақа ташкил этилди. У ҳарбий хизматчиларнинг ҳар қандай вазият ва шароитда ҳам берилган топшириқни аниқ ҳамда мукаммал бажаришга, жанговар шайлигини оширишга ва ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.





Мусобақа бир нечта шартларни ўзида мужассам этган. Унга кўра, беш кишидан иборат жамоалар «Старт» белгисидан қурол билан 650 метр масофага югуриб 6 метрлик арқонга осилиб чиқиб-тушади ва биринчи тўсиқдан ўтган ҳисобланади. Ўтолмаса, шарт учун, 0 балл қўйилади. Шундан сўнг яна 100 метрлик масофани босиб ўтгач, «Бурилиш» жойидан ортга югуради ҳолда қайтади.

Қайтиш чоғида жамоа 80 метрлик ташкил қилинган бўлиб, улар нишонга қарата ётган ҳолда ТОЗ-8 қуролидан ўқ узади. Еттита ўқ билан бешта нишон йўқ қилиниши керак. Агар шарт тўлиқ бажарилмаса, «Старт» нуқтаси ёнидаги 50 метрлик жарима майдончигига жарима тарзида 50 сония вақт қўшилади. Югуришда давом этаётган жамоа навбатдаги 80 метрлик масофадан кейин ҳаракатни тўсиқлар оша (ҳар бир иштирокчи учун 5 тадан тўсиқ) югурган ҳолда давом эттиради. Ҳаракат давомида бирор тўсиқ йиқилгудек бўлса, иштирокчи 5 сониялик жаримани ўз ҳисобига ёзиб қўяди.



масофани босиб ўтганидан кейин гранаталар отиш нуқтасида 40 метр узоқликдаги нишонга қарата граната улоқтирилади. Агар амал бехато бажарилса, иштирокчи мусобақани давом эттиради. Борди-ю, берилган учала имкониятни ҳам бой берадиган бўлса, иштирокчининг якуний натижасига жарима тарзида 20 сония вақт қўшилади.

Жамоалар старт олган нуқтага етиб келиб яна ортга бурилади. Мана шу жойда ўқ отиш нуқтаси нига югуриб бориб келинади. Бу умумий 100 метр дегани. Йўқ қилинмаган ҳар бир нишон учун мана шу жарима қўлланилади.

Шундан сўнг йўлакда яна югуришни давом эттирган ҳолатда 80 метрдан кейин жойлашган пичоқ отиш нуқтасига борилади. Нишонгача масофа – 5 метр. Берилган учта имконият муваффақиятли бажарилса, иштирокчи йўлда давом этади. Мабодо ундай бўлмаса, умумий кўрсаткичига

Худди аввалги ҳаракат давом этади. Яъни «Бурилиш» белгисидан «Старт»га қайтиб келиш. Отиш нуқтасида бу гал 8 та ўқ билан тик турган ҳолда 5 та нишонни яксон қилиш керак. Бу шартда ҳам ҳар бир хатолик учун 100 метрлик югуриш жаримаси қўлланилади. Иштирокчилар шу билан «Финиш» чизиғи томон ҳаракатланади.

Худди мана шу шартлар кетма-кетлигида Тошкент ҳарбий округи миқёсида бўлиб ўтган мусобақада майор Одил Йўлдошев бошчилигидаги жамоа фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолибларга диплом, кубок ва эсдалик совғалар берилди. Мусобақани республикамизнинг барча округларидан келган ҳарбий хизматчилар кузатиб борди.

Эслатиб ўтамиз, «Армия биатлони»нинг республика босқичи шу йилнинг апрель ойида ўтказилиши режалаштирилган.

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Vatanparvar»**



Муаллиф суратга олган

# МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

## тарбиячи офицерлар малака оширмоқда

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ҳузуридаги малака ошириш марказида Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлари органи офицерлари учун «Ҳарбий хизматчиларда бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш асослари» мавзуида икки ҳафталик ўқув курслари бошланди.

Бугун халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий, информацион курашлар кучайиб боряпти. Натижада эса аҳолининг турли қатламлари орасида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, аҳолида мафкуравий иммунитет шаклланмас экан, ёшларнинг бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб бораверади. Маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид эса ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий тўсиққа айланиб, жамиятни инқирозга олиб келади. Шундай экан, инсонлар онги ва қалби учун курашлар авж олаётган бугунги таҳликали давр биздан маънавий-маърифий ишларни кучайтиришни, халқимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишни, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантиришни, уларда ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини оширишни, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши кураш олиб боришни талаб қиляпти. Малака ошириш марказида ташкиллаштирилган 72 соатлик ўқув машғулотлари давомида тингловчилар белгиланган ўқув дастури асосида айнан мафкурафий иммунитетни шакллантириш омиллари, зарурати, давлат ва дин муносабатлари, унинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ахборот истеъмоли маданияти, диний тушунчаларнинг моҳияти ва талқини, ислом динида инсонпарварлик ғояларининг тарғиботи, соғлом эътиқод асослари, маънавий таҳдидлар, шунингдек, шарқ мутафаккирларининг илмий-маърифий меросини ўрганиш тамойиллари каби муҳим мавзулар бўйича сабоқ оладилар.

– Машғулотларни марказимизнинг тажрибали мутахассислари олиб боради, – дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ҳузуридаги малака ошириш маркази директори Д. Раҳимжонов. – Ўқув курси давомида тингловчиларнинг билими ҳар жиҳатдан мукаммаллаштирилади. Яъни улар фақатгина диний билимларни олиш билангина чекланмайди. Балки дунёвий билимлари ҳам мустаҳкамланади. Чунки бугунги ижтимоий-сиёсий воқеликлардан бохабар фуқароларнинг жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси юксалиб, ҳамиша огоҳ ва сергак яшашга интиладилар. Ўйлаймизки, ушбу таҳсил, унда ўзлаштирилган билимларнинг амалиётга татбиқи Ватан ҳимояси ва тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

**Гулнора МУРОДОВА**

## ХАБАРЛАР

### ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШДАГИ МАШҒУЛОТ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси шахсий таркибининг жанговар шайлигини янада мустаҳкамлаш ва қўшинлар хизматини сифатли ташкил этиш мақсадида Миллий гвардия марказий девонининг қўшин ва объектлар хавфсизлигини таъминлаш бўлими шахсий таркиби Миллий гвардия Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси қўшинлар хизматига масъул шахслари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида «Ҳарбий шаҳарча хавфсизлигини ишончли таъминлаш, суткалик нарядлар ва ҳамкорликдаги кучлар билан эҳтимолий ҳужумларни қайтариш» бўйича кўргазмали ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти, Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича бошқармалари ҳамда ҳарбий қисмларининг қўшинлар хизматини ташкиллаштиришга масъул шахслари жалб қилинган ўқув машғулотида 8 та ўқув нуқтаси ташкил этилди. Кўргазмали машғулотлар ҳарбий қисмнинг суткалик нарядлари, қоровул ва тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ шахсий таркиби ва ҳамкорликдаги кучлар иштирокида ўтказилди.

Шунингдек, Миллий гвардия бўлинмаларига жорий қилинаётган замонавий техник қўриқлаш воситалари бўйича маълумотлар берилди.

Тадбир якунида ҳарбий шаҳарча хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар юзасидан вазифалар белгиланди. Машғулотларнинг фаол қатнашчиларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар топширилди.

**Полковник Шухрат НЕМАТИЛЛАЕВ,**
**Миллий гвардия қўшин ва объектлар хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи**

### ЧЕГАРАГА ПРОФЕССИОНАЛЛАР КЕРАК

Ушбу шиор остида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси таркибида янги тузилган Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетида ўқув-тарбиявий жараённи ташкиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар ва факультетни яқин йилларда ривожлантириш истиқболлари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бошқарув аппарати мутасаддилари ва фахрийлар, Қуролли Кучлар академияси, Давлат хавфсизлик хизмати институти профессор-ўқитувчилари, тингловчилар ва курсантлар иштирок этди.

– Бугун биз Чегара қўшинлари офицер кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш учун зарур ихтисослаштирилган фанлар мундарижаси ва мазмунини муҳокама қилиб, шунга доир амалий тавсия ва таклифларни ўргандик, – дейди Қуролли Кучлар академияси кафедра бошлиғи подполковник Ўткир Ачилов. – Шунингдек, янги тузилган факультет ташкилий-штат тузилмаси ҳамда факультетнинг яқин истиқболдаги фаолиятига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

– Соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган ҳамкасбларимизни бир даврага жамлаган ушбу тадбирда стратегик фикрлайдиган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўналишида муҳим деб ҳисоблаган таклиф ва тавсияларимизни ўртага ташладик. Чунки мамлакатлараро боғловчи нуқта ҳисобланган чегарага чинакам профессионаллар керак, – дейди Чегара қўшинлари фахрийси захирадаги полковник Анвар Рашидов.

Қизғин баҳс-мунозара ва конструктив музокара руҳида ўтган тадбирда иштирокчилар Қуролли Кучлар академиясида таълим олиш учун яратилган замонавий шароитлар, масофадан ўқитиш имкониятига эга бўлган мавзувий синфлар, ахборот-ресурс маркази ва академия музейи билан яқиндан танишди. Давра суҳбати якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида зарур таклифлар ишлаб чиқилди.

**Дилшод ШУҲРАТОВ**



# АҚЛ ВА БИЛАК БИРЛАШСА

> Юртни севиш, унинг юксалиши йўлида бор куч, имкониятларини сафарбар этиш шу Ватан фарзандларининг бурчи, биз, ҳарбийлар учун эса бу икки карра масъулиятдир. Дилида юрт ҳимоячиси бўлишни мақсад қилиб, эгнига ҳарбий либос кийган инсон борки, ҳар қандай машаққатни сабот билан енгиш кўникмасини ҳам ўзида мужассам этиши лозим. Чунки ёлғиз истакнинг ўзи доим ҳам мақсадга элтавермайди. Саботнинг илдизи эса маънавият билан туташган. Қалбни сайқалловчи, маънавиятни юксалтирувчи энг қудратли «қурол», бу шубҳасиз китобдир. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳарбийларни мана шундай қуроллантирсак, юракларига юрт ишқини чуқурроқ жойлай олсак, айни мақсадга етган бўламиз.

Бу борада Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Барча ҳарбий қисм ва муассасаларнинг кутубхоналари минглаб китоблар фонди билан таъминланганлиги, мутолаа жараёнларининг тўлиқ назорат қилиб борилиши ва бунинг натижаси ўлароқ ҳарбийларимизнинг Мудофаа вазирлиги миқёсида «Энг яхши ёш китобхон» кўрик-танловидаги фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ақл ва билак бирлашган жойда адолат ва қудрат бўлади. Армиямиз ўғлонларида ҳам шу икки кучнинг ёнма-ён бораётганлиги кўп жабҳаларда намоён бўлмоқда. Халқаро армия ўйинларида округимиз йигитлари ҳам она Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ўзбекистоннинг кучли мудофаа қудратини, ўзбек ўғлони салоҳиятининг юксак эканини кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, спортга қаратилаётган эътибор ҳам бугун ўз мевасини бераётир. Биргина қўмондонлигим остидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ҳарбий ўғил-қизларимизнинг ютуқлари ҳам бутун дунёда эътироф этиляпти. Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Бутунжаҳон жанг санъатлари кубогида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жўрабек Қобилов спортнинг жанговар самбо турида 3-ўрин, Украинада жанговар жиу-житсу бўйича жаҳон чемпионатида 3-ўрин ва Қозоғистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида спортнинг шу тури бўйича фахрли 1-ўринни эгаллагани бизни қувонтирди. Қуролли Кучлар хизматчиси Турсуной Жабборова АҚШнинг Лас-Вегас штатида бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида кумуш, Бирлашган Араб Амирликларидаги жаҳон чемпионатида ва пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатида қўлга киритган олтин медаллар қизларимиз томирида Тўмарислар қони оқаётганидан дарак беради. Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилаётган футбол ва волейбол мусобақаларида ҳам Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи жамоалари биринчиликни қўлдан беришмаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмга қилган ташрифлари округимизда катта ўзгариш ва юксалишларга замин яратди. Ҳарбийлар онгига Сурхон воҳасининг миллий қадриятларидан саналмиш бахшичилик ва чавандозлик санъатларини чуқур сингдириш борасида белгилаб берган вазифалари ижроси вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда таъминланмоқда. Ҳарбийлар орасида бахшичилик ва достончилик, чавандозлик, китобхонлик ҳамда рассомчилик сингари йўналишларда мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар тантанали равишда пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ҳақиқатан ҳам, кўнгилларнинг миллий санъат ва анъаналаримиз билан суғорилиши оммавий маданият ҳужумида пўлат қалқон вазифасини ўтайди.

Бугун Ватан посбонлари зиммасида нафақат юртни ташқи душмандан ҳимоялаш, балки унинг эртаси саналмиш ёш авлод онгини ҳам ёт ғоялардан асраш вазифаси турибди. Абдулла Авлоний «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деганида қанчалар ҳақ эди. Шу жиҳатдан ҳам ҳарбий қисмлар эшиклари ёшлар учун кенг очиб берилди. Маънавий-маърифий тадбирлар билан эртамиз эгаларининг бўш вақтлари мазмунли ўтказилмоқда. Шундай тадбирлар ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтган 2019 йилнинг ўзида 4 мингдан ортиқ ташкиллаштирилган бўлса, унда қарийб 1 250 000 нафар ёш қамраб олинган. Вилоят марказлари ҳамда туманларимизнинг энг чекка қишлоқларида бўлиб ўтаётган «Қўмондон ва ёшлар» учрашувлари чоғида менга берилаётган саволлардан фарзандларимизнинг китобхон, теран фикрли ва энг асосийси, ватанпарвар бўлиб ўсаётгани яққол сезилиб туради. Президентимиз айтганидек, келажагимизни ана шундай ёшлар билан бирга қурамиз.

Тарбия борасида сўз кетганда, шубҳасиз, катта ҳаёт тажрибасига эга, турмушнинг минг-минг чиғириқларидан бус-бутун чиққан нуронийлар кўмагига эҳтиёж сезилади. Уларнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибаларига суянган ҳолда олиб борилган ҳеч бир иш бесамар бўлмайди. Эндиликда ҳарбийлар, ёшлар ва нуронийлар ўртасида узвий алоқа йўлга қўйилдики, «Уч авлод учрашуви» тадбирларининг негизида ҳам айни шу мақсадлар мужассам.

Профилактик ҳисобда турувчи ёшларни округимиз тасарруфидаги барча ҳарбий қисмларга таклиф этиб, улар учун соғломлаштириш лагерларида ҳарбийлар билан ҳамнафас яшаш имконини яратиб бердик. Бу айни маънода эр йигитни эр йигит тарбиялаши учун бир имкон бўлди. Болаларга беминнат маслаҳатлар бериш учун нуронийлар доим елкадош бўлмоқда. Биз мана шу жараёнда бир муҳим жиҳатга эътибор қаратяпмиз. Яъни адашган, ёшликнинг шавқи билан қилинган хатолар ёшларимизга бутун ҳаёти давомида тамға бўлмаслиги керак. Шунинг учун улар билан бўладиган суҳбатларда ёшларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, хатолар яхши амаллар билан кечирилиши мумкин, деган ғояларни сингдириб боряпмиз. Ахир ёмонга ёмонсан, десангиз, «ҳа, мен ёмон эканман», деб тўғри йўлни қидириб ҳам кўрмайди. Аксинча биз бошқачароқ йўлдан мақсад сари одимласак, натижаларимиз ҳавас қилгулик бўлади.

Тинчликни қадрлаш, бугунги дориломон кунларни эъзозлашимиз учун уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган, азобларини қалби ва танасида ҳис этган инсонлар билан кўпроқ суҳбат қуришимиз керак. Чунки улардан юрт посбони учун энг муҳим сифат – жасорат, мардлик, сабот ва матонатни ўрганса бўлади. Шу сабабли ҳарбийлар томонидан Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ватандошларимиз хонадонларига совға-саломлар билан давомли ташрифлар уюштирилмоқда. Уларнинг жасорати эр йигитга ўрнак ўлароқ таъкидланмоқда.

Нафақат ҳарбийлар, балки юртдошларимиз қалбида эртанги кунга ишонч, бугунидан мамнунлик ва ўтмишидан ғурур ҳиссининг шаклланишида тарихни англаш ўта муҳимдир. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ қамраб олган ҳар уч вилоятда ҳам гўзал масканлар, ўтмишдан сўзлаб турувчи боболаримиз яратган тарихий обидалар жуда кўп. Мана шу табаррук масканларга уюштирилаётган саёҳатлар ҳарбийларнинг бой тарихий меросимиз ҳақида чуқур билимга эга бўлишлари ва улардаги руҳий ҳолатнинг мустаҳкамланишига асос бўлади.

Юртбошимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев бугун мудофаа тизими ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратмоқда. Бу, албатта, бизни она Ватанимизга янада шижоат билан хизмат қилишга ундайди. Олдимизга қўйилган вазифаларни айни шу кайфиятда, шижоат билан адо этиш бизнинг бурчимиз ва олий мақсадимиздир.

**Полковник Зайнобиддин ИМИНОВ,**
**Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондони**

> Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, келажагимиз ворисларининг маънавиятини янада юксалтириш, уларни илм-маърифатга йўналтириб, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, китобхонликни тарғиб қилиш, иқтидорли ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва энг муҳими, фарзандларимизни ёт, вайронкор ғоялар таъсиридан ҳимоялаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



# «ТЕМУР ТУЗУҚЛАРИ» БАРЧАМИЗ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛДИР

Ёшларга оид ислоҳотлар ҳақида сўз борар экан, энг аввало, бу борадаги бош ислоҳотчи – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев эканини эътироф этиш ўринлидир. Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида, албатта, ёшлар, уларнинг таълим-тарбияси, маънавий олами хусусида алоҳида тўхталиб ўтади. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга ундайди ва мутасадди раҳбарларга вазифалар белгилайди. Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида эртамиз эгаларининг истиқболини белгиловчи жараёнларда ҳарбий соҳа вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги бўлинмаларида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа қатор раҳбарий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилмоқда. Айни вақтда қўмондонлик бўлинмаларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотларида 25 нафар офицер – ташкилот етакчиси, 52 нафар офицер ҳамда 48 нафар сержант ва оддий аскар – йўналиш сардорлари сифатида фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан ўтказилган тадбирларда республика бўйлаб минглаб ўқувчи ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этмоқда.

«Ватанпарварлик», «Мурувват» ва «Саховат» карвонлари қўмондонлик ҳарбий қисмлари жойлашган олис ҳудудлардаги мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, маҳаллалар, ногиронлар ва меҳрибонлик уйларигача кириб бориб, ёшлар қалбида юртга садоқат, Ватанимиз келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшаш туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ҳарбий қисмларга яқин ҳудудда жойлашган таълим муассасаларининг барчаси билан Ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ҳар бир ҳарбий қисмга мактаблар бириктирилиб, ҳарбий хизматчилар чақириққача ёшларни тайёрлаш ишларида фаол қатнашмоқда.

Бугун бўлинмаларимизда барча қулайликларга эга, замонавий маданият марказлари, бадиий ва ўқув адабиётлари ҳамда электрон ва аудио асарлар билан бойитилган кутубхоналар шакллантирилиб, 50 000 дан ортиқ турли мазмундаги китоблар харид қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтказилган «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуидаги иншолар танлови ҳамда «Темур тузуқлари» билимдони» беллашувларида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ж. Кенжаев ва муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ш. Исломов фахрли 1-ўринни эгаллади.

Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган «Энг яхши ёш китобхон» ва «Энг илғор бошланғич ташкилот етакчиси» танловларида қўмондонликнинг Бухоро вилоятида жойлашган ҳарбий қисм вакили шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Р. Ғофуров ва Фарғона вилоятидаги ҳарбий қисм бошланғич ташкилоти етакчиси капитан С. Раҳматов 2-ўрин соҳиби бўлди. «Энг яхши китобхон ҳарбий оила» танловида эса Мудофаа вазирлиги миқёсида подполковник Х. Қаландаров оиласига тенг келадиган рақиб топилмади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида ҳарбий қисмларда «Беш ташаббус – беш имконият» шиори остида маданият, санъат, спорт, адабиёт, компьютер саводхонлиги йўналишлари бўйича жами 51 та тўгарак тузилиб, уларга 1 400 нафар ҳарбий хизматчининг фарзандлари жалб этилган.

Тўгараклар фаолияти самараси ўлароқ, қўмондонлик ҳарбий хизматчисининг фарзанди Робияхон Тоҳирова мамлакатимизда ўтказилаётган танловлар қаторида Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусиқа фестивалида 1-ўринни қўлга киритди. Яна бир ҳарбий хизматчининг фарзанди Фирдавс Олимжонов юқори балл билан Тошкентдаги Президент мактабига ўқишга кирди. Фарғона шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмдаги «Ёш муай-тай» тўгарагининг 10 нафар тарбияланувчиси республика чемпионатида муносиб иштирок этиб, улардан 7 нафари Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари кўмагида муддатли ҳарбий хизматчилар учун ҳам хизматдан кейин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга берилаётган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда, 2019 йилда қўмондонлик тизимида 6 нафар ҳарбий хизматчи имтиёзли ёшлар уйлари, 4 нафар ёш ҳарбий хизматчи эса юксак давлат мукофотлари соҳиби бўлди.

Жорий йилнинг 10 январида Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги, Юнусобод тумани ҳокимлиги ва туман прокуратураси ҳамкорлигида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка карши кураш, ёшларда ватанпарварлик руҳини янада мустаҳкамлаш юзасидан олти ойга мўлжалланган Қўшма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур Қўшма чора-тадбирлар режасининг 2-бандига асосан, ички ишлар органларида профилактик рўйхатда турган вояга етмаганлар, шунингдек, мактаб ички рўйхатида назоратга олинганлар ҳамда ўқувчи ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида қўмондонлик бошқарув аппарати, унинг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлари ва Тошкент ахборот технологиялари университетида учрашувлар, Мудофаа вазирлиги спорт клубида эса катта спорт фестивали ўтказилди.

Қўмондонлик билан «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани Кенгашлари ўртасида ҳам амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Фахрийларимиз барча тадбирларда фаол иштирок этишмоқда.

Ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлод тарбияси ҳақида сўз борар экан, ёшлар билан барча учрашувлар, суҳбатлар чоғида, айниқса ҳарбий соҳага қизиқиш билдирган фарзандларимизга доимо Соҳибқирон бобомиз Амир Темур бизга мерос қолдирган «Тузуклар»ни ўқишни маслаҳат бераман. Шахсан ўзим раҳбарлик фаолиятимда ушбу китоб ва ундаги битикларга тезтез мурожаат этаман. Чунки «Темур тузуклари» ҳаётда ҳам, хизматда ҳам барчамиз учун дастуриламалдир.

**Полковник Журъат ЯКУБОВ,**
**Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондони**

## ХАБАРЛАР

### ҚИЗИҚАРЛИ ЭКСКУРСИЯ

Мудофаа вазирлигининг Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли Навоий вилояти Кармана туманида жойлашган ҳарбий қисмда «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилди.

Навоий иссиқлик электр станцияси ходимлари, тумандаги учта мактабдан 140 дан ортиқ ўқувчилар иштирок этган тадбирда меҳмонлар ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари учун яратилган шарт-шароитлар, машғулотлар жараёни, мавжуд ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намуналари билан танишишди. Ҳарбий қисм бўйлаб уюштирилган экскурсия мобайнида ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

«Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни» доирасида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган бундай тадбирнинг мантиқий якунида ҳарбий қисм командири томонидан ўғил-қизларга энг сара адабиётлар совға қилинди.

**Майор Б. СОБИРОВ**

### ҲАМ МАҲАЛЛА, ҲАМ КЎНГИЛЛАР ОБОД БЎЛДИ



Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Алпомиш» маҳалла фуқаролар йиғинида «Халқ ва армия – бир тану бир жон» шиори остида ватанпарварлик тадбири бўлиб ўтди.

Унда Қуролли Кучлар академиясининг бир гуруҳ офицерлари ва курсантлари маҳалла гузарида ҳашар ўтказишди. Баҳорнинг илк кунига тўғри келган ушбу тадбир сабаб бутун маҳалла аҳли жам бўладиган мазкур даргоҳ бир зумда ўзгача қиёфага кирди. Дарахтлар буталанди, оқланди, таги юмшатилди, болалар ҳамда спорт майдончаси тартибга келтирилди.

Шундан сўнг мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев бошчилигида маҳалла гузари боғига янги кўчатлар ўтқазилди. Ҳарбийлар томонидан тайёрланган палов дастурхонга тортилди.

Мактаб ўқувчилари билан ўтказилган спорт мусобақалари якунига кўра, ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шу куни туманнинг Алпомиш маҳалласида истиқомат қиладиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Владимир Шмыхун ва Валентина Ошкина ҳолидан ҳам хабар олинди. Уларга совға-саломлар улашилди.

**И. НУРАЛИЕВ**

### ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК
*жанговар шайлик гаровидир*

Шарқий ҳарбий округга қарашли Ғурумсарой гарнизонидаги ҳарбий қисмларда назорат текширув имтиҳонлари бўлиб ўтмоқда. Унда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги яна бир бор синовдан ўтказилади. Бу каби назорат имтиҳонлари она Ватан ҳимоячиларининг ҳар қандай вазиятларда ҳам ўз бурчига содиқ қолишлари, ностандарт вазиятларда ҳам энг тўғри қарор қабул қилиш кўникмаси шаклланиши борасида қўл келади.

– Ишонаманки, бўлинмамиз билан имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, ўз касбий маҳоратимизни янада оширамиз. Мазкур назорат текширувларида устозларимиз томонидан айтилган «Жанговар тайёргарлик жанговар шайлик гаровидир» ғояси ўз тасдиғини топмоқда, – дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Д. Сармонов.

**Сержант Бобомурод НУРАТОВ**
*Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати*

ХАБАРЛАР

## ПОСБОНЛИК ЖОНФИДОЛИКДИР

Нуробод туманидаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ва Ёшлар иттифоқи туман кенгаши фаоллари Тим қишлоғидаги аҳоли ва ёшлар билан «Армия ва халқ – якдил» шиори остида давра суҳбати ташкил этди.

– Юрт посбони сўзи маъно-моҳияти билан ўзида жонфидоликни ифода этади, – дейди Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи капитан Ҳусан Ғозиев. – Шу боис ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида ташкил этилган бу каби тадбирлар вилоятимизнинг барча олис ҳудудларида ўтказилмоқда.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ва Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида Булунғур тумани мудофаа ишлари бўлимида «Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурчдир» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари, ҳарбий хизматчилар, уюшмаган ёшлар, чақирилувчилар, лицей, коллеж ва умумтаълим мактаби ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Бу каби тадбирлар Жомбой, Нуробод, Каттақўрғон, Самарқанд туманлари ва Самарқанд шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

**Дилшод ШУҲРАТОВ**

## ДЕТИ В ПОСАДКЕ ДЕРЕВЬЕВ НАСТОЯЩИЕ МАСТЕРА



В ходе проведенного с участием офицеров Военной прокуратуры и военнослужащих Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан в «Мехрибонлик уйи» № 30, расположенного в Яшнабадском районе столицы, посажены новые саженцы декоративных и фруктовых видов деревьев.

Мероприятие началось с урока патриотизма, очень увлекательно проведенного военнослужащими методом дискуссии. Во время урока большинство детей интересовались вопросами о правилах поступления в высшие военные образовательные учреждения страны. Для того, чтобы стать курсантом, а в последствии хорошим офицером – защитником Родины, необходимо иметь не только отличную физическую и морально-психологическую подготовку, но большой багаж знаний, особенно по истории, точным наукам и иностранным языкам, а самое главное любить Родину. Самым активным участникам подарены книги.

После интересного урока гости вместе с детьми одним дружным коллективом посадили на территории Мехрибонлик уйи саженцы. В этом деле больше всех преуспели некоторые воспитанники Мехрибонлик уйи, про которых воспитатели детского дома с гордостью рассказали, что они мастера этого занятия.

**Чингиз РАИМБЕРДИЕВ**

УСЛУБИЙ ЙИҒИН

# МАҚСАД: МАЪНАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА ЮРТ ҲИМОЯЧИСИНИ ТАРБИЯЛАШ

**Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳамда «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари офицерларининг услубий йиғини бўлиб ўтди.**





Мудофаа вазирлиги қўшинларида тарбиявий ва мафкуравий ишлар, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари, ҳуқуқбузарлик профилактикаси борасида 2019 йилда амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил қилинган йиғинда дастлаб Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи полковник Акмал Ортиқов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида қўйган вазифалари, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишини чуқур ўрганиш бўйича ихтисослаштирилган мактабда ўқувчилар билан учрашувда ёшлар таълим-тарбияси бўйича берган топшириқлари ижроси, соҳа вакилларининг бу борадаги амалий ишлари муҳокама қилинди Йиғинда Республика Маънавият ва маърифат маркази эксперти, Тошкент давлат юридик университети профессори Феруза Муҳиддинова, Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари офицерларининг малака ошириш курслари раҳбари, филология фанлари номзоди Муяссар Сапаниёзова ва бошқа тегишли идора ҳамда муассасалар вакиллари иштирок этди. Дунёга тарқалаётган турли ахборотлар, тинчлик ва осойишталикка бўлаётган таҳдидлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида гапирар экан, ахборот билан қизиқишингиз ақллилик даражангизни белгиласа, уни яхши-ёмонга ажратишингиз сизнинг донолигингизни билдиради, деди профессор Феруза Муҳиддинова. У бугунги дунё манзараси, жамиятни мустаҳкам тутиб турувчи устунлар, инсониятнинг маънавиятга эҳтиёжи ҳақида фикр юритиб, офицерларга ўз тавсия ва таклифларини билдирди.

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари офицерларининг малака ошириш курслари ўқувларида эришилган натижалар, мавжуд муаммолар ҳақида сўз кетганда курс ишини янада такомиллаштириш, ҳарбий атамалар борасида мукаммал сўзлик ва луғатларни ишлаб чиқиш, соҳа офицерларининг тадқиқот ишлари, шахсий таркиб билан ишлаш методикасини кучайтириш, иқтидорли талабаларнинг йўналиши бўйича ҳарбий қисм ва муассасаларда амалиётини, университет билан олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида узвий ҳамкорликни ташкил қилиш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги Фахрийлар ишлари бўйича марказий кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги полковник Абубакр Наврўзов билан мулоқот жараёнида «Устоз – шогирд» анъаналарини янги босқичга олиб чиқиш бўйича фикр алмашилди.

Йиғинда ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари ўринбосарларининг ҳисоботлари ҳам тингланди. Гуруҳлар кесимида тарбиявий ва мафкуравий ишлар тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш усуллари, 2020 йилда амалга оширилиши режалаштирилган инновацион ғоялар бўйича таклиф ва тавсиялар кўриб чиқилди. Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ҳолатларини ўрганиш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга доир тадбирларнинг самарали услублари бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Соҳа офицерларининг билим ва малакалари жисмоний тайёргарлик, жанговар қуроллардан отиш каби машқларда имтиҳон қилинди.

Чирчиқ дала-ўқув майдонида мотоўқчи взводи шахсий таркибининг жанговар вазифани бажариши давомида ахлоқий-руҳий таъминотни ташкиллаштириш бўйича ўтказилган кўргазмали тактик ўқув жараёнида шахсий таркибни психологик реабилитация қилиш каби ўндан ортиқ ўқув жойларида иштирокчиларга зарур билим ва кўникмалар берилди.

– Мамлакатимиз мудофаа қобилияти замирида қўшинлар шахсий таркибининг маънавий, ахлоқий-руҳий ва интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, фидойилиги, она юртга меҳр-муҳаббати ва садоқати мужассам, – дейди Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Сарвар Мамаюсупов. – Ўтказилган йиғинда ҳарбий хизматчилар онгини эгаллашга қаратилган ғоявий-мафкуравий таҳдидларга қарши амалий ишлар олиб бориш, юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, маънавий ва ахлоқий-руҳий фазилатларга эга юрт ҳимоячисини тарбиялашнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиб, келгуси режаларни белгилаб олдик.

Йиғин дастурида белгиланганидек, тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари офицерлари беш кун давомида психологик ва ижтимоий ҳуқуқий ишлар, ахлоқий-руҳий таъминотни, маданий ҳордиқ тадбирларини ташкиллаштиришнинг янги усул ва услублари бўйича ўзаро фикр, тажриба алмашдилар, амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб олдилар.

**Эркин ОТАМУРОДОВ**

ҲАМКОРЛИК

# ТОҒ ТАЙЁРГАРЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ МАЛАКАЛАРИ ОШИРИЛДИ









Лейтенант Ориф МАМАЖОНОВ суратга олган

> Юртимиз ҳудудининг 30 фоизини тоғлар ва тоғ олди кенгликлари ташкил этади. Тоғли шароитларда олиб бориладиган ҳар қандай жанговар ҳаракатларнинг муваффақияти кўпроқ шахсий таркибнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига, қолаверса, уларда табиий қийинчиликларни енгиб ўтиш, юксак касбий тайёргарлик ҳамда экстремал шароитларни тўғри баҳолай олиш қобилиятига боғлиқ. Шу боис ҳарбий хизматчиларнинг соҳага оид билим ва кўникмаларини ошириб бориш, маҳорат ва тажрибаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мудофаа вазирлиги тоғ тайёргарлиги ўқув машқ марказига Қуролли Кучларимиз барча тузилмаларининг ҳарбий хизматчилари тоғ тайёргарлиги мутахассисларининг малака ошириш курсларига жалб этилади. «Фориш» тоғ-дала полигонида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг мутахассислари учун «Тоғ қўриқчиси» қишки ўқув курси ташкил этилиб, машғулотларни Мудофаа вазирлигининг тажрибали ҳарбий хизматчилари олиб борди.

– Мудофаа вазирлиги тоғ тайёргарлиги ўқув машқ марказида малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида бир неча йўналишда ўқув курслари ташкил этилган. Бунда ҳарбий хизматчилар мураккаб тоғ шароитларида ҳаракатланиш йўл-йўриқларини ўзлаштириш билан бир қаторда замонавий тоғ анжомларидан фойдаланишнинг энг сўнгги усул ва услублари бўйича малакаларини бойитиб боришади, – дейди Қуролли Кучлар Бош штаби тоғ тайёргарлиги бўйича катта инспектори майор Зокир Яллакаев. – «Тоғ қўриқчиси» ўқув курсида ҳам Қуролли Кучлар куч тузилмаларидан келган тоғ тайёргарлиги мутахассислари қисқа вақт мобайнида якка тартибда ва гуруҳ жипслигида мураккаб тоғ тўсиқларидан ўтиш, яшовчанлик қобилиятини ошириш, ноқулай об-ҳаво шароитларида жанг олиб бориш йўл-йўриқларини ўрганишмоқда. Ҳар бир мавзуга оид машқлар реал вазиятларга мослаштирилган ҳолда олиб борилаётгани юрт ҳимоячиларининг соҳага оид кўникмаларини пухта ўзлаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Тоғда ҳаракатланиш жараёнида тегишли анжомлардан ўринли фойдаланиш, тик қояларга чиқиб-тушиш, тор кўприклардан ўтиш, қоядан қояга арқонлар ёрдамида кўчиш, тоғ шароитида ярадорларни эвакуация қилиш амалиётларини кузатиш кишини ҳаяжонга солади. Бу ўғлонлар дастлаб ёзги ўқув курсида тобланди. Назарий ва амалий билимларини оширди. Кейинчалик қиш фаслининг ноқулай об-ҳаво шароитларида тоғли ҳудудларда белгиланган мураккаб вазифаларни бажарди.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари соҳанинг энг маъқул жиҳатларини миллий армиямизга татбиқ этмоқда. Мазкур ўқув курси ҳам юрт ҳимоячиларининг тоғ тайёргарлиги бўйича амалий кўникмаларини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

**Майор Шунқор БЎРИЕВ**





МЕН ҒОЛИБ!



# ҲАМ ҲУЖУМДА, ҲАМ МУДОФААДА

## артиллерия қўшинлари бирдек фаол

Марказий ҳарбий округ Каттақўрғон гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида Мудофаа вазирлиги артиллерия бўлинмалари мутахассислари орасида «Мен ғолиб!» шиори остида «Ўт очиш ва оловни бошқариш» танловининг якуний босқичи ўтказилди.



Турфа қушларнинг чуғур-чуғуридан дил яйрайди. Бежирим фаввора атрофида ихчамгина дам олиш маскани ҳарбий қисмга кирган кишини хушнуд қилади. Сайроқи қушлар Ватан ҳимоячиларига таҳсин айтаётгандек, гўё. Шунга қарамасдан, очиғини айтиш керак, мусобақа аввалида бир оз зерикарлидек туюлди. Иштирокчилар ҳаддан ташқари кўп эмас. Кўзимиз юзлаб, минглаб одамларга ўрганиб қолган экан, чоғи.

Ҳарбий хизматчилар жанговар ва командирлик тайёргарлигини такомиллаштириш, замонавий ўқув-моддий базани тузиш бўйича жорий қилинган талаблар билан танишдилар. Хулоса қилишга шошилганимиз эса отиш ва ўқ отишни бошқариш бўйича семинар пайтида маълум бўлди. «Отиш ва ўқ отишни бошқариш бўйича машғулотларни ташкил қилиш ҳамда уни бирлашма ва қўшилмада назорат қилиш», «Артиллерия бўлинмаларини ўргатишда замонавий ўқув-моддий базаларни тузиш ва фойдаланиш», «Батальон тактик гуруҳлари таркибидаги артиллерия бўлинмалари билан отиш машқини ташкиллаштириш ва ўтказиш» бўйича маърузалар тингланди.

Республикамизнинг турли ҳудудларидан келган мутахассислар ўз йўналишларида маърузалар қилганидан сўнг савол-жавоб ва тажриба алмашишлар қизғин кечди. Ҳар бир иштирокчи бир неча йиллик амалий тажрибаларидан келиб чиқиб, таклиф-мулоҳазаларини айтар, қолганлар эса унга эътироз билдирар ёки фикрига қўшиларди. Ҳарбий қисм ҳудудида ўтказилган такомиллаштирилган бошқарув пункти бўлмалари, инновациялар кўргазмаси кўпчилик учун янги таассуротларга бой бўлди.

Саф кўриги давомида иштирокчилар ўзлари яратган инновацион ҳисоблаш воситалари, отиш ва оловни бошқариш учун тайёрланган махсус ён дафтарчаларини кўрсатишди. Шундан сўнг улар реал вазиятга яқинлаштирилган жанг ҳолатида ўзларини синаб кўрдилар. Шартли душман жойлашган жойни белгиланган муддатда вайрон қилишга киришилади. Мутахассислар зудлик билан параметрларни белгилайдилар. Машғулотлар ҳарбий хизматчиларни назарий жиҳатдан амалиётга тайёрлар, келгусида беҳуда қурол-аслаҳалар сарфидан асрарди.

Берилган вазифа натижаларига кўра, топшириқларни бажаришда вақт нишонни яксон қилиш бўйича командирнинг қарори ва олов аниқлиги кўрсаткичлари баҳоланди. Бунда мусобақа иштирокчилари ўз позицияларини артиллерия тайёрлов курси ва артиллерия оловини бошқариш қоидалари асосида ҳимоя қилдилар.

Ёш офицерлар баҳосининг бир оз пасайганидан сира ранжишмади. Улар ўрганаётганидан, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаётганларидан хурсанд эди. Кўрик-танлов сабаб қанча ҳарбий хизматчиларнинг тажрибаси ошди. Яъни бу мағлубиятсиз синов эди. Балл ҳисобида ғолиблар қуйидагича бўлди:

гуруҳ командирлари орасида катта лейтенант Ш. Бурхонов (Тошкент ҳарбий округи) 1-ўрин, катта лейтенант М. Холбоев (Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ) 2-ўрин, лейтенант Ж. Очилов (Шарқий ҳарбий округ) 3-ўринга муносиб топилди.

Батарея командирлари чемпионатида катта лейтенант О. Адизов (Марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм) 1-, капитан Ш. Рўзиев (Шарқий ҳарбий округ) 2-, майор С. Авазов (Шимоли-ғарбий ҳарбий округ) 3-ўринни эгаллади.


Дивизион командирлари мусобақасида майор Х. Бобомуродов (Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ) 1-, майор Б. Ҳусаинов (Шарқий ҳарбий округ) 2-, капитан Н. Очилов (Марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм) 3-ўринга сазовор бўлди.

Бригада командирлари баҳсида эса подполковник Ф. Расулов (Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ) 1-, подполковник А. Дўстов (Марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм) 2-, подполковник Б. Кашанов (Тошкент ҳарбий округи) 3-ўринни қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм жамоаси 1-, Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ 2-, Тошкент ҳарбий округи 3-ўринни забт этди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Каттақўрғон шаҳридаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар уларни ҳавас билан олқишлаб турдилар

**Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,**
**«Vatanparvar»**



Муаллиф суратга олган





**АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ**

*(Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейи архив ҳужжатлари асосида)*

# «ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА АГАР ДУНЁДА...»

**Иккинчи жаҳон уруши тарихи саҳифаларини варақлар эканмиз, аёлларимизнинг ғалабага қўшган ҳиссаси нақадар буюк эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Кўз олдимизда ўзбекистонлик биринчи Қаҳрамон аёл Елена Стемпковская, моҳир мерган – разведкачи Зебо Ғаниева, биринчи ўзбек машинист аёли Башорат Мирбобоева, ҳарбий дала госпитали жарроҳи Муқаддам Ашрапова ва бошқа кўплаб довюрак хотин-қизлар сиймолари гавдаланади.**

Ҳикоямиз қаҳрамонлари бўлган уч аёл Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар серқуёш диёримизда осуда ҳаёт кечираётган ва мамлакатда бўлаётган бунёдкорлик ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган оловқалб ёшлар эди. Улардан бири – Тошкент тиббиёт институти талабаси бўлиб, орзулари бир олам, ғайратга тўлиб-тошган шижоатли бўлажак шифокор Муқаддам Ашрапова бўлса, иккинчи соҳибжамол қаҳрамонимиз Наргиза (фронтда унинг исмини бошқа тилларда айтиш осон бўлиши учун Роза деб аташган) Иброҳимовадир. Қуролли Кучлар давлат музейи фондидаги ҳужжатларнинг барчасида Роза Иброҳимова номини учратдим. Тўғрисини айтганда, унинг исми Наргиза эканлиги 1970 – 1980 йилларга оид газета-журналларни ўрганганимда аён бўлганди. Учинчи қаҳрамонимиз эса фронтда ҳарбий госпиталларда ҳамшира бўлиб хизмат қилган ва кейинчалик бевосита жанг майдонларидан яралиларни олиб чиқиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланган Мавжуда Саматова.



*МУҚАДДАМ АШРАПОВА*



*РОЗА ИБРОҲИМОВА*



*МАВЖУДА САМАТОВА*

### КУНИГА 200 ТАГАЧА ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНГАН

Муқаддам Ашрапова 1919 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Уруш бошланган дастлабки кунларда Тошкент тиббиёт институтини тамомлаб, эндигина шифокорлик дипломини қўлга олган пайти эди. Фронтга юборишларини сўраб ҳарбий комиссариатга ёзган аризасига рад жавобини олади. Илмга чанқоқ бу тиришқоқ қизни мамлакат ичкариси фронтига, яъни қўшни Тожикистон Республикасининг Конибодом вилоятига жўнатишди. Сабаби, 1941 – 1942 йилларда бу ҳудудда ич терлама, безгак касалликлари тарқалиб, кўплаб инсонларнинг умрига зомин бўла бошлаган эди. Ниҳоят, 1943 йилнинг февраль ойига келибгина Муқаддам Ашрапова фронтга сафарбар этилди. Ўз жанговар йўлини Биринчи Украина фронтининг 155-ўқчи дивизияси 786-ўқчи полкидан бошлаган довюрак дала жарроҳи уруш охиригача Воронеж, Украина фронти, Польша, Чехословакия ва Германия тупроқларида бўлиб ўтган жангларда мардонавор иштирок этди. Жарроҳ Муқаддам Ашрапова ана шу жангларда яралар бўлган жангчиларга тиббий ёрдам кўрсатар, операциялар қилар ва бир неча юзлаб аскар ва офицерларни жанговар сафга қайтаришга ўз ҳиссасини қўшарди. У уруш ҳақидаги хотираларининг бирида шундай битган: «Вазият шунақанги оғир эдики, биз деярли туну кун тик оёқда турардик ва кетма-кет яралорларни операция столига ётқизардик. Ҳаттоки, бир суткада 200 тагача турли кўринишдаги катта ва кичик операциялар олиб борган кунларимиз бўлган». Биргина ана шу маълумот мисолида ҳам урушнинг оқибатлари нақадар аянчли эканлигини кўришимиз мумкин.

Фронтда кўрсатган жасорати ва мардлиги учун Муқаддам Ашрапова «Қизил Юлдуз» ордени ва «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланган, тиббий хизмат капитани ҳарбий унвонигача хизмат қилган. Урушдан кейин қаҳрамонимиз Ўзбекистонга қайтди. Тошкент тиббиёт институтида иш фаолиятини бошлаб, 1953 йилда номзодлик, 1964 йилда докторлик диссертацияларини ёқлади. Жигар церрозининг хирургик давоси муаммоси бўйича катта илмий изланишлар олиб бориб, қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида кўплаб шогирдлар чиқарди. Муқаддам Ашраповани мамлакат тиббиёти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва эл-юрт олдидаги буюк хизматлари ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланиб, «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди.

### СМОЛЕНСКДАН БЕРЛИНГАЧА ЙЎЛ

Роза (Наргиза) Ибрагимова 1925 йилда Хоразм вилоятининг Шовот туманида туғилган.

Фронтга сафарбар этилган дастлабки кунларда у алоқачилар тайёрлаш қисқа махсус курсини ўқиб тугатди ва радист-разведкачи бўлиб жанговар хизматни бошлади. Иброҳимованинг асосий вазифаси радистлар гуруҳи билан биргаликда жанговар ҳаракатлар вақтида пиёда аскарлар позициясидан сал орқароқда жойлашиш ва душман рацияларининг ишини кузатиш эди. Шу йўл билан Роза ва унинг қуролдошлари керакли тўлқинлардаги маълумотларни тўплашар, душман радиотўлқинларидан олинган муҳим ахборотларни эса қўмондонликка батафсил етказиб туришарди.

Кўп ўтмай, Роза Иброҳимовани ўқчилар дивизияси разведкасига ўтказишади. Шундай қилиб бу жасур ўзбек қизининг жанговар йўли Смоленскдан кейин Орша, Минск, Витебск, Литва, Латвия, Польша, Шарқий Пруссиянинг шаҳар ва қишлоқларида ўтди. Кейинги марра, албатта, Берлин эди. Берлингача етиб келган ана шундай беомон жангларнинг бевосита иштирокчисига айланган ватандошимиз энди Ҳарбий ҳаво кучларининг алоқа полкида хизмат қиларди.

У фронтларда кўрсатган жасорати ва мардлиги учун II даражали «Ватан уруши» ордени билан тақдирланган.

Урушдан кейинги тинч, осуда ҳаётда Роза Иброҳимова тиббиёт соҳасида – буюк неъмат саналмиш миллат фарзандларининг соғ-омон дунёга келишлари учун жонкуяр бўлди. У ўзининг шарафли касби орқали юзлаб оилаларга фарзанд қувончини бахшида этди.

### ЖАСОРАТЛИ ҲАМШИРА

Мавжуда Саматова 1925 йилда Тошкентда таваллуд топган. 1943 йилда Тошкент тиббиёт институти қошидаги ҳамширалар тайёрлаш курсларини тугатиб, шу йилнинг март ойида фронтга сафарбар этилади. Тошкентдан Мавжуда билан бирга яна ўн икки қиз Ростов фронтига жўнатилади. У кўчма госпиталда ҳамшира бўлиб хизматини бошлайди.

1944 йилнинг май ойида Севастополь яқинидаги Сапун тоғи учун шиддатли жанглар олиб борилади. Иккинчи жаҳон уруши тарихида Сапун тоғи жанги ўзининг кенг қамровлилиги ва энг кўп талафотлари билан машҳур. Мавжуда Саматова ҳам ўша шиддатли жангларда иштирок этди. Душман қўшинлари тоққа қулай ўрнашиб олганлиги сабабли кафтдек текис ердаги совет қўшинларини нишонга олиш ва ўққа тутиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди. Ана шу қалтис вазиятда ҳам Мавжуда тиним билмасдан ярадорларга ёрдам кўрсатарди. Ўқ ёмғирлари остида ҳали у, ҳали бу ярадорнинг олдига эмаклаб етиб бориб ярасини боғлашга, иложи борича душман ўқларидан панароққа олиб ўтишга интиларди. Кўплаб йўқотишларга қарамасдан 1944 йилнинг 9 май куни совет жангчилари томонидан Сапун тоғи эгалланди ва муҳим порт шаҳар бўлган Севастополь шаҳри батамом душмандан озод этилди. Ана шу жангларда Саматованинг ўзи ҳам яраланди, бундан ташқари яқиндагина бўлиб ўтган аппендицит (кўричак) операцияси жойи очилиб кетди. Шунда госпиталь бошлиғи Мавжуданинг қаршилигига қарамасдан мамлакат ичкарисига жўнатиш тўғрисида буйруқ берди. Буйруқдан ташқари Мавжуда Саматова капитан Аҳмаджон Муродовни Тошкентга кузатиб қўйиш топшириғини олди. Асли фарғоналик бу йигит Сапун тоғини қўлга киритишда жуда катта жасорат кўрсатган 216-ўқчи дивизиянинг 647-ўқчи полки батальони командири ўринбосари бўлиб хизмат қилган. I даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотланган. Жангларда иккала кўзидан оғир яраланди. Энди эса Мавжуда Саматовага шу йигитни Тошкентга, кўз касалликлари клиникасига кузатиб келиш вазифаси қўйилган эди.

Тошкентга олиб келинган ярадор зудлик билан операция қилинди. Шифокорларнинг моҳирлик билан ўтказган амалиёти ўз самарасини берди, беморнинг чап кўзи сал бўлса-да кўрадиган бўлди.

Аҳмаджон ва Мавжудадаги бурчга садоқат, мардлик ва одамийликка хос хислатлар оила қуришларига сабаб бўлди. Икки ўғил фарзанд ва невaралар улар ҳаётига мазмун киритди. Мавжуда Саматова эса ўзи севган ўқитувчилик касбини давом эттиргани ҳолда педагогика институтини тамомлади, кўп йиллар Тошкент шаҳридаги Ойбек номли 115-мактабда рус тили ва адабиёти фанидан ёшларга сабоқ берди. Мавжуда Саматова Иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрсатган жасорати учун II даражали «Ватан уруши» ордени билан тақдирланган. 1994 йилда Ўзбекистон Президентининг Фармонига биноан кўп йиллик ҳалол меҳнати, иқтисодиёт, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун мукофотланганлар орасида Тошкент шаҳридан Саматова Мавжуда Саидовнанинг борлиги уларнинг Ватан олдидаги буюк хизматларига берилган муносиб рағбатдир.

Бу уч аёлнинг ҳаёт йўли мисолида Ватан шаънини, унинг озодлиги ва ободлигини барча нарсадан устун қўювчи қатъиятли ва мунис, шижоатли ва хокисор, мард ва сабр-тоқатли ўзбек аёлининг тимсоли гавдаланади. Зеро, Иккинчи жаҳон урушида минглаб Муқаддамлар, Мавжудалар, Башорату Зеболар иштирок этишган.

Уларнинг ҳаётий қиссасини севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари билан тугатишни лозим топдим, зероки:

*...Шундайлар бўлмаса агар дунёда,*
*Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл!*

**Зебо ХОЛБОЕВА,**
**Қуролли Кучлар давлат музейи экскурсия раҳбари**

> Камдан-кам шукур қиламиз. Тўлиқ бахтиёр бўлишимиз учун доим нимадир камлик қилади. Бизда мавжуд бўлмаган нарсалар ҳақида орзумандлик билан ўйлаймиз. Асли ортидан қувган нарсаларимиз шунчаки қимматли вақтни бой беришдан бошқа нарса бўлмай қолади.

# ЭСКИ ШАҲАРЛИК ТАБАРРУК ИНСОН ҲУЗУРИДА

Касбим тақозосига кўра кўп марта Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари зиёратида бўлганман. Ва ҳар доим улар мени илиқ қарши олганлар. Улар бамисли тирик тарих.

– Урушни биз кўрдик, сизлар кўрманглар, – деган эди китоблик ҳаётсевар, юртсевар, музаффар кекса жангчи Мажид ота Хидиров.

– Уруш сиз киноларда кўрганингиз, китобларда ўқиганингиз каби эмас, у ўлим, кўз ёши, ортидан қаҳатчилик балосини эргаштириб юрадиган офатдир, – дея таъкидлаган эди яна бир мўътабар жангчи, шаҳрисабзлик Саъдулло ота Жабборов. – Уруш жанг майдонларида қолган номсиз-нишонсиз жангчилар, совуқ ва очликдан нобуд бўлган аскарлар, ҳимоясиз гўдаклар, аёллар ва қариялардир...

– Мен урушни кўрмадим, – дейди яна бир суҳбатдошим Омон ота Бобоев. – Бироқ унинг барча фожиаларини табар инсонлардан бири. Сўзим аввалини бежиз шукроналик билан бошламадим. Отанинг бир гапи ёдимда сақланиб қолди: «Мен урушдан қўлтиқтаёқда қайтган эдим. Ҳамон қўлтиқтаёққа таяниб яшаяпман...»

Урушнинг тамом бўлганига 75 йил тўляпти. Усмон Донаев 1942 йилда урушдан қайтди. Унинг хотирасида миллионлар умрига зомин бўлган улкан муҳораба ҳамон яшаб келмоқда:

– Уруш – жон савдоси. Уруш ўлим дегани. 10 сутка пиёда юрдик. Оғир қурол-яроғларимиз билан. Қонли жанглар кечарди... Ҳам осмондан, ҳам ердан ўққа тутарди ғаним. яхши инсонлар бўлиб улғайдилар. Амир акам урушга кетганида аёли ҳомиладор эди. 1943 йили акамдан ёдгор туғилди. Унга Комил деб исм қўйдилар. Она-болани ўзим билан уйимга олиб келдим. Очликдан омон қолишлари гумон эди. Акамдан қолган ёдгор, ўғлим Комил улуғ инсон. У Ҳисорак сув омборининг тамал тошини қўйган (бу ўз даврининг буюк қурилишларидан эди), қурилиш ишлари якунига қадар бош-қош бўлганлардан бири. У эл-юртга нафи теккан, садоқатли фарзанд бўлди.

Отани тинглаяпман-у, айрим ўйлардан безовталанаман. Бир оила-қанчалар талвасага тушганига гувоҳмиз. Уруш йиллари Ўзбекистон бугунги Европадан кўра бойроқмиди, ривожланиб кетганмиди?

У кунларнинг ортда қолганига кўп бўлди. Ўрис тупроғида неча-неча ватандошларимизнинг хоки қолди. Бугун ўша тупроқда ўзбек «чёрний», «мадикюр», дея таҳқирланаётгани оғриқлидир!

Бизда оталар униб-ўсган фарзандлари билан фахрланадилар. Усмон ота ҳам шундай. У кишининг набиралари, эвара-ю чеваралари 156 (!) нафар экан. Ҳавас қилсанг, арзийди.

Ота яшаётган ҳовли жуда файзли.



бошимдан ўтказдим. Етимлик, очлик, йўқчилик... Болалигим бўлмади. Саводсиз қолиб кетдим. Очдан ўлмаслик мақсадида катталар қаторида фронт учун меҳнат қилдим.

Бугуннинг нигоҳи билан қаралганда уларнинг олис хотиралари эртакка ўхшайди. Эртакки, анчагина оғриқли, суронли, саодатли лаҳзалари ҳам мўл. Ана шундай суҳбатдошларимдан бири қаршилик Усмон ота Донаев.

Қашқадарё вилояти маркази Қаршида ҳам худди Тошкентда бўлганидек эски шаҳар мавжуд. Қаҳрамонимиз ҳам эски шаҳардаги маҳаллалардан бирида яшайди.

Унинг хонадонига Қарши шаҳар мудофаа ишлар бўлимининг бошлиғи подполковник Бахтиёр Султонходжаев, фахрийлар билан ишлаш бўйича округ кенгашининг раҳбари Шариф Мардиев билан кириб бордик. Ҳамроҳларимнинг хатти-ҳаракатларидан улар учун бу хонадон анчагина қадрдон эканлигини сездим.

– Қарши шаҳрида Усмон отани танимайдиган, билмайдиган одам бўлмаса керак, – дейди истеъфодаги подполковник Ҳалим Қодиров. – Халқ ҳурматига сазовор бўлиш ҳам осон эмас. Ўғиллари ҳам оталарига муносиб. Улар ҳам вилоятимиз равнақи учун фидокорона хизмат қилган.

Усмон ота юз билан юзлашган мўъ-

Душман пулемётининг овози бир дам тинмасди. Кўп аскарлар ҳалок бўлди, жуда кўп... Осколка парчалари тегиб, оғир яраландим. Окопга ағдарилиб тушдим. Бир амаллаб санитар қисмига етказдилар. Узоқ даволандим. Деярли барча жароҳатларим битди, фақат оёғим... Сафга қайтиш учун яроқсиз эдим. Қайтиб келдим. Бу ерда ҳам осон бўлмади. Бир ҳолат ёдимда қолган: Қорабоғда даволанаётганимда узумнинг нархи уч сўм эди. Қаршида эса қирқ сўм экан! Урушга қадар ўқитувчилик қилар эдим. Қайтиб келганимдан кейин хўжаликда ҳисобчилик қила бошладим. Эркаклар деярли йўқ эди. Минг машаққат билан етиштирилган ҳамма нарса фронтга жўнатилади. Буғдой етиштириб, фронтга бердик. Етиштирган одамлар оч. Очдан ўлмаслик учун бериладиган бир бурда нонни қорахат олган хонадонларга берамиз. Оғир замон эди. Акаларим Бўри, Ўсар, Амир Донаевлар урушда ҳалок бўлди. Онам Рўзи момо келинларига, набираларига бош бўлиб ўтирарди. Онам... беш ўғлини урушга жўнатди. Маҳам акам танасида осколкалар билан урушдан қайтди ва кўп ҳам яшамасдан оламдан ўтди. Унинг етимларига ҳам оталик қилиб, вояга етказдим. Аллоҳга шукур, нинг беш ўғлони ҳам урушга борса?! Ўша даҳшатли уруш ростдан ҳам кўпга келган «тўй»миди?! Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага жафокаш ўзбек халқининг қўшган ҳиссаси қачон аниқ ҳисоб-китоблар билан эълон қилинади?

Янги барпо этилаётган «Ғалаба боғи» музей ҳужжатлари билан ишлаётган олим Убайдулла Олтинов ўзи танишган архив ҳужжатлари ҳақида гапира туриб, шундай таъкидлайди: «Жуда катта, жуда катта, мислсиз моддий ёрдам кўрсатилган Ўзбекистон томонидан. Биз биладиган рақамлардан анча-мунча юқори. Негадир пасайтириб кўрсатилган. Биргина эвакуация қилинганларни олинг. Рақамлар эвакуация пунктларида рўйхатдан ўтганларни кўрсатади. Рўйхатларда йўқ бўлгани ҳолда юртимиздан нажот топганларнинг ҳам саноғи йўқ. Ишлаб чиқарилган самолётлар-чи...»

Ҳа, жафокаш ўзбек халқи урушга навқирон фарзандларини берди. Айримлари ҳатто ўн еттига тўлмаган эди. Еб турган сўнгги луқмасини берди. Очликдан шишиб ўлганларнинг ҳам ҳисоби бормикан?! Уруш баҳонасида бу юрт беармон таланди. Миллионларга нажот бўлгани-чи?! Бугун беқиёс даражада ривожланган Европа бир неча минг мигрантлар оқимидан Уйни ташқаридан кузатсангиз, санъат асари, дейсиз. Ўймакор устунлар, равоқлар, эшиклар... Эски шаҳарга муносиб, кўрк бўлган бир хонадон. Юз билан юзлашган соҳиби эса ўзбекнинг кўрки! Пенсияга чиққанидан кейин ҳам 78 ёшга қадар вилоят сув хўжалиги бошқармасида ишлаганига нима дейсиз?!

Ўша куни бизни отанинг кенжа келини Санобархон кутиб олди. Ундан Усмон ота билан аёли Маҳкамтош ая ҳақида сўрадим:

– Раҳматли аямиз отамиз ҳақида ҳар доим меҳр-муҳаббат билан гапирар эдилар. Комил акамнинг онаси билан опа-сингилдек бўлиб яшаганлари, қайнотам – отамизнинг қанчалар етимпарвар бўлганликларини айтиб берардилар. Отамиз кўпларнинг бошини силаган. Ўзлари каби инсонлар билан маслаҳатлашиб, кенгашиб, қўллаб-қувватлаб, кимсасиз қолган ёшларни олий ўқув юртларига ўқишга жўнатганлар, уларнинг ҳолидан хабар олиб турганлар.

Ҳа, бугун шундай улуғлар билан ёнма-ён яшаяпмиз. Ҳаёти бир ибратли қисса бўлишга арзирли азиз инсонларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Vatanparvar»**

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА**

# ЖЎРАХОН УСМОНОВ

Шавкатли қўшинларимиз Орёл ёнида немис қўшинларини мағлубиятга учратган кунларда Жўрахон Қизил байроқли қисм сафида шарафли йўл босиб ўтди. Бу йўл ундаги оташин ватанпарварлик фазилатларинигина эмас, Ленин-Сталин комсомоли фарзандига лойиқ ажойиб хислатларни ҳам намойиш этди. Унга рота комсомол ташкилотчиси каби масъул вазифани юкладилар.



Бу вазифани ҳам шараф билан бажарган Жўрахон ўзининг фидокорлиги билан рота комсомоллари орасида катта ҳурмат ва чексиз муҳаббат қозонди. Қисм Сожга етиб келганда душман бу дарёнинг ғарбий қирғоғида мустаҳкам мудофаа қўрғонлари ясаб, совет қўшинларининг йўлини тўсмоқчи бўлди. Ойдин кечада Жўрахон буталар панаси билан юриб, дарё бўйига келди. Шошилинч равишда ёғочлардан ясалган солда бир туркум совет жангчиси чап қирғоқдан узоқлашди. Жўралар чап қирғоқдан қанчалик шарпасиз узилган бўлсалар, ўнг қирғоққа ҳам яна шундай шарпасиз кўндилар. Совет жангчиларининг қақшатқич зарбалари орқасида юрагини олдириб қўйган фриц ёнида бирданига пайдо бўлган одамни кўриб, дод солмоқчи бўлди. Лекин пайдор чанғаллар имкон бермади. Кекиртагига ботирилган дандон сопли пичоқ эса уни дарҳол саришта қилди.

– Шивелёв, – деди Жўрахон пулемётчи рус йигитига, – тайёрлан!

Еру кўкни шовқинларга тўлдирган замбараклар ва миномётлар наъраси орасидан Шивелёвнинг «Тайёрман!» деган овози эшитилди. У пулемётни бир дарахт панасига ўрнатиб, душман ҳамласини қарши олишга тахт эди. Жўрахон ўз йигитларини жойларга қўяр-қўймас немисларнинг атакаси бошланди. Ёғилаётган ўқ довулларига совет жангчиларидан жавоб бўлавермагани гитлерчиларни яна ҳам қутиртирди. Оралиқ минут сайин қисқариб, душман қадами тезлана борди. Шунда Жўрахон командаси билан «тилга кирган» Шивелёв ва Ткаченко пулемётлари, жангчиларнинг автоматлари, пайдарпай ташланган граната-лар фашистларни ерга михлади.

Душманнинг янги ҳамласига муносиб жавоб бериш учун энди окоп қазишга киришдилар.... Икки юз метрча наридаги бир тепаликдан душман пулемёти Жўралар устига ўт очмоқда. Ёв усталик билан яширинган эди. Фақатгина тепалик ёнбағри билан аста-секин эмаклаб бориш ва ёвни граната ташлаб яксон қилишдан бошқа чора қолмади. Бу ниҳоят хавфли вазифани Жўрахон ўз устига олди. Жўрахон ўз қурбони сари борган қоплон сингари ер бағирлаб сургалди ва ҳадемай тепалик орқасига ўтиб олди. Жўрахон тепаликка чиққанда қалин буталар панасига бекиниб олган бир фриц тинмай ўқ отарди. Унинг ёнидаги телефони эса орқадаги тўплар ва миномётларга нишон тўғрилаб бермоқда. Жўрахон тиззаланиб борган ҳолда граната ирғитди. Икки фашист ўлди ва пулемёт тинди. Лекин бу воқеа бошқа немисларнинг эътиборини жалб қилди. Ўттиз метрча нарида бута тагида ётган йўғон гавдали бир немисдан унга яширинишга жой ҳам, вақт ҳам йўқ эди.

Жўрахон фриц ирғитган гранатани дадил илиб олди ва бир зум ҳам қўлида ушлаб турмай уни дарҳол келган томонига улоқтирди. Ерга тушиш олдидан портлаган бу граната яна икки фрицни ўлдирди. Қумлар ва шохларни бир-бирига қориштириб учирган кучли портлаш тўлқини орқасидан тутун тарқалгунча Жўрахон немис пулемётини ва ўқ-дориларини олиб жўнади. Унинг мислсиз қаҳрамонлигини зўр ҳаяжон билан кузатиб турган дўстлари Жўрахонни қучоқ очиб қарши олдилар. Жўрахоннинг олган ўлжаси ўқ-дорилари тугаб бораётган десантчилар учун пўлатга сув бергандек бўлди. Энди душманни ўз калтаги билан уриш имкони туғилди. Беш рус, икки украин, икки қозоқ ва бир ўзбекдан иборат десантчиларнинг саботини на атакалар ва на артиллерия ҳужумлари билан синдира олмаган душман 80 тача аскаридан ажради, лекин ботир совет жангчиларини дарёга чўктира олмади.

Иккинчи тонг Жўраларга яна ҳам катта ғалаба келтирди. Улар атака бошлаган гитлерчиларни ўрмон яланглигига келтириб туриб сассиқ алафлардек ўриб ташладилар ва Сож ғарбидаги плацдармларини яна ҳам кенгайтирдилар. Душманнинг икки кеча ва икки кундуз қутуриб қилган ҳамлаларини чилпора этган Жўрахон Усмонов ва унинг жанговар дўстлари Ватаннинг шон-шарафи учун ана шундай жанг қилдилар. СССР Олий Советининг Президиуми ўзининг 1944 йил 16 январдаги фармони билан ўзбек халқининг довюрак ўғли Жўрахон Усмоновни «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» деган олий унвон билан бахтиёр этди.

**Капитан М. ИСМОИЛИЙ,**
*Биринчи Украина фронти «Ватан шарафи учун» газетаси, 1944 йил 14 май. №37 (225)*

# ХАБАРЛАР

## УРУШ ФАХРИЙЛАРИ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидан Иккинчи жаҳон урушида 10 мингдан ортиқ киши қатнашган. Уларнинг 7 мингдан кўпроғи жанггоҳлардан қайтиб келмаган. Ҳозирги кунда Пахтачи туманида икки нафар уруш қатнашчиси истиқомат қилади. Улар 96 ёшни қаршилаган Ғаффор Сафаров ва Тўхли Одиловдир.

Пахтачи тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Жасур Болтаев туман мудофаа ишлари бўлими вакиллари ва тиббиёт ходимлари, маҳалла фаоллари, ёшлар билан биргаликда Ғаффор бобо ва Тўхли бобо хонадонида бўлиб, бу икки нуронийга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бердилар. Ҳар томонлама иззат-икром кўрсатган ҳолда эсдалик совғаларни топширдилар.

Бир пиёла чой устида қурилган суҳбат давомида отахонлар бошларидан кечирган хотираларини ҳикоя қилдилар. Ҳукуматимиз томонидан уларга қаратилаётган эътибор учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, ёшларнинг тинч-осуда ҳаётнинг қадрига етишларини тилашди.

**Асрор РЎЗИБОЕВ**

## ҒУРУР ВА ИФТИХОР БАҒИШЛАДИ

Иван Балабай Иккинчи жаҳон уруши даврида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган ватандошларимиздан бири. Мудофаа вазирлиги спорт клуби аъзолари ва ҳарбий хизматчилар Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Геофизика маҳалласида истиқомат қилаётган 94 ёшли ушбу отахон ҳолидан хабар олдилар.

Даҳшатли уруш исканжасида очарчилик, йўқчилик, қаҳатчилик, яқинларидан ва дўстларидан айрилиқ азобларини бошдан кечирди у. Урушдан қайтгач, 1946 йили Фарғона шаҳридаги ҳарбий билим юртига ўқишга киради. Сўнгра Тошкентдаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизматини давом эттирди.

Эртамиз эгалари, айниқса спортчиларимиз учрашувдан қалбида ғурур ва ифтихор ҳамда катта таассуротлар билан қайтишди.

**Нозима МАМАТОВА**

## НАРПАЙЛИК ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ



Иккинчи жаҳон уруши ва фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳарлари, туман ва қишлоқларида буюк ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонларга эҳтиром кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази ҳарбий хизматчилари, фахрийлар, ёшлар, туман мудофаа ишлари бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари билан биргаликда Нарпай туманида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хонадонларида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олдилар.

Марказ ҳарбий хизматчилари Оқтош шаҳри Янгиобод маҳалласида яшовчи 97 ёшли Тилов Худоёров ҳамда 96 ёшли Иброҳим Абдуназаровга ногиронлар аравачаси ва эсдалик совғалар топширдилар.

Ҳарбий оркестр жамоаси ва захирадаги подполковник Азимжон Боймуродов отахонларга уруш даври қўшиқларини ижро этиб беришди. Уруш фахрийлари меҳмонларга фронтда кечган жанговар хотираларини гапириб бердилар. Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази шифокори отахонларни тиббий кўрикдан ўтказиб, уларнинг соғлиқлари бўйича маслаҳатлар берди.

Тадбир якунида Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази бошлиғи полковник Анвар Джабаров ёшлар билан биргаликда уруш фахрийлари яшаётган хонадон ҳовлисига мевали дарахтлар ўтказишди.

**Фазлиддин ЧОРИЕВ**

# УРУШ ҚАТНАШЧИСИ ҲАРБИЙЛАР ДАВРАСИДА

Нукус шаҳри Пушкин кўчасидаги 16-уй. Остонадан ичкари одимлар экансиз, дарвозада осилган пешлавҳа эътиборингизни тортади: «Бу уйда ҳурматли нуроний, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдуллаев Нурулла яшайди». Бу ёзувнинг ўзиёқ қалбда чексиз эҳтиром туйғусини уйғотади.

Нуронийлар – ҳаёт ҳикмати. Уларнинг умр йўли ёшларни ҳамиша ҳалол ва меҳнатсевар бўлиб яшашга ундайди.

Яқинлари даврасида кексалик гаштини сураётган Нурулла отанинг чап оёғидан олган оғир жароҳати унга машъум урушнинг даҳшатли воқеаларини эслатади. Ўзбекистоннинг бугунги қудратли армияси энг кучли мутахассислар қўлида экани унга таскин беради. Иккинчи жаҳон урушида бошидан ўтказган қора кунлардаги сўнмас ирода ва жасорат, қаҳрамонлик ва мардлик соҳибларига эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг ўзига хос олижаноб қадриятларидан бирига айланган. Улар давлатимиз эътиборида, сиҳат-саломатликда, доимий ғамхўрлик оғушида умргузаронлик қилмоқда.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ва Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси офицерлари уруш қатнашчиларининг ҳолидан хабар олишни сира канда қилмайдилар. Уларнинг турли



Муаллиф суратга олган

эсдалик совғалар билан бу галги йўқлови ҳам уруш фахрийларига эъзознинг ёркин ифодаси бўлди. Бундан отанинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Ташрифдан кўзларига севинч инган отахоннинг қўллари дуога очилди: «Юртдан тинчлик, барака аримасин! Асло уруш бўлмасин!»

Нурулла ота умри давомида ёзиб юрган мақола ва қайдларини бир жойга жамлаб, 2019 йилда «Память – вечна, почитание – священно» («Хотира – абадий, эҳтиром – муқаддас») номли китобини нашр этди. Ўзига эсдалик учун қолдирган ягона нусхасини ўша куни фахрий отахон «погондаги меҳмонлар»га ҳадя этди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**«Vatanparvar»**

МЎЪТАБАР ЗОТ

# Норларини элга тутган мунисларим

Аёл ҳақида сўз юритиш завқли. Таърифлар, ташбеҳлар қуйилиб келаверади. Она ҳақида сўз кетганда эса... бу «юк» мен учун анчайин залворли. Онанинг фидойилигига муносиб сўз топиш мушкул. У фарзанди учун жонини нисор қила оладиган ягона зот.

***Ота-она ўғил-қизини эзгу мақсад ила улғайтиради, ўзи тўйиб емаса-да боласини тўйдиради, ўзи киймаса ҳам боласини чиройли кийинтиради. Кўзи тўқ, қадди тик, соғлом улғайиши учун борини сарфлайди. Вақти келиб кўзимдан нур, белимдан қувват кетганида таянч бўлади, ёнимга киради, деб умид қилади. Меҳр кўзда, дея боласини бағридан узоқ тутмайди. Айниқса оналар вужудининг бир парчаси доимо кўз ўнгида бўлишини истайди. Фарзанди ишдан ёки ўқишдан озгина кеч қолдими ёки касаллик соғлиғига дахл қилдими ёхуд ҳаётида бирор муаммога дуч келдими... Онанинг тунларни тонгга улаши бор гап. Аммо бағридан узоқларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оналари-чи?!***

***Ушбу мақоламизда паҳлавон ўғлонларни улғайтириб, юрт корига камарбаста қилган фидойи оналар ҳақида сўз юритамиз.***

## ДУОЛАРИМИЗ БОШИДА ТИНЧЛИК ТУРАДИ



Лола опанинг бугун кайфияти кўтаринки. Сабаби лицейда ўқувчиларга чақириққа қадар бошланғич ҳарбий тайёргарлик фанидан сабоқ бераётган укаси Ботиржон катта ўғли Дилшоджон ҳақида илиқ фикр билдирди: «Опажон, шу ўғлингиз ҳарбий соҳага жуда қизиқади, шашти баланд, баҳоси доим аъло. Ҳаракат қилса, келажакда ундан зўр офицер чиқади-да...»

Онанинг кўнгли тоғдек кўтарилди, ўғлини ҳарбий либосда кўз олдига келтириб, юраги ҳаприқиб қўйди. Укаси билади, чунки у ҳарбий хизматчи бўлган, тўрт йилга яқин Афғон урушида иштирок этган. Жиянидаги истеъдод, ҳарбий хизматга бўлган иштиёқни кўрмаганида бундай демасди.

Йиллар Лола опа ва Қудрат аканинг ўғилларига боғлаган орзусини юзага чиқарди. Дастлаб Дилшоджон, кейинчалик Бекзод Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида сабоқ олиб, офицерлик либосини кийди.

– Ўғилларимиз ҳарбий хизматчи бўлиб бағримиздан бирин-кетин узоқларга учирма бўлишди, – дейди Лола опа Абдувалиева. – Андижон, Марғилон, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё... Ҳарбий хизматчиларни буйруқ одами дейишади, қаерга тайинланишса, ўша ерда бўлишади. Соғинч ҳақида гапирмасам ҳам бўлаверади, ахир онаман. Иккиси ҳам хизмат таътилидагина келишарди. Дадаси иккимиз эса ўғилларимизнинг фақат туғилган кунларида борардик. Чунки иккимиз ҳам ишлардик, кейин оила, рўзғор дегандек... Шунинг учун ўғилларимни деярли бир йилда икки мартагина кўрардим. Аммо дуо қилишдан чарчамасдик. Дуоларимиз бошида ҳамиша тинчлик бўлишини тилардик, ҳозир ҳам шундай.

Лола опа Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида истиқомат қилади. 31 йил давомида тумандаги 78-сонли махсус мактаб-интернатда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ берган. Турмуш ўртоғи Қудрат ака билан беш фарзанд – уч ўғил ва икки қизни касб-корли, оилали қилиб элга қўшган. Айни дамда набираларидан даврасида буви ва боболик гаштини суришмоқда.

– Кенжа ўғлимиз Бобуржон аскарлик бурчини Сурхондарёда Чегара қўшинларида ўтади, – суҳбатни давом эттиради Лола опа. – У пайтлар армия хизмати икки йил эди. У ҳам ҳарбий хизматчи бўлишни хоҳлади. Бироқ акаларининг маслаҳати билан олдимизда қолди, ҳозир ўқитувчилик қиляпти. Орзуим – набираларимни ҳам ҳарбий либосда кўриш. Чунки ҳарбий касб эгаларининг хизмати қай даражада улуғ ва эл назарида бўлишини доимо ҳис қилиб тураман. Ҳарбийларнинг онаси сифатида энг бахтли аёлман. Элимиз аҳлига, барча ҳарбий хизматчиларнинг оналарига баҳор айёмлари муборак бўлсин!

## ШАҲИДИ АЪЛО ЎҒЛИМ

Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги Ленбург қишлоғидамиз. Бу азиз гўшада 2000 йили Сурхондарёдаги халқаро террорчиларга қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган катта сержант Хайриддин Холбоевнинг ота-она ва яқинлари истиқомат қилади. Орадан неча йил ўтмасин, навқирон ўғлини тупроққа қўйган ота-она билан дилбанди ҳақида суҳбатлашиш осон эмас. Айниқса, онаизори Гулсимбиби опа билан. Хотиралар, айрилиқ азоби, соғинч дарди... Барчасида қаҳрамон йигит волидасининг дарди, сабру қаноати, шукрона ва иродаси мужассам:

– Хайриддин оиламиздаги беш фарзандинг тўнғичи эди. Ғайратли, меҳнаткаш, бағри кенг, меҳрибон... Спорт билан шуғулланишни яхши кўрарди, тонг саҳар даладаги еримиз атрофида югуриб, кейин бошқа ишга уннарди. Отаси уста бўлгани учун ёшлигидан устачиликка қизиққан, дадасига ёрдамчи бўлган. Ўнинчи синфни битиргач, армия хизматига кетди. Кейин хизматини шартнома асосида давом эттирди. Катта фарзандимиз бўлгани учун тезроқ келин олишни истадик, ўзи хоҳлаган қизга унаштирдик. Бироқ 21 ёшида... Юрт учун жонини тиккан шаҳиди аъло ўғлим – Хайриддинимдан розиман.

Куёвлик сарполари сандиқда қолиб, чимилдиққа киролмай кетган баҳодир ўғлонидан кўзларида ёш билан рози бўлган мард Она, қароғлари нам, юзида ним табассум





ила элу юртга тинчлик, Ватан ҳимоячиларига омонлигу омад тилаган бағри буюк Она. Барча иззат, барча эҳтирому таъзимлар Сизга бўлсин!

## ФАРЗАНДИМ – ФАХРИМ

Аъзимахон Идрисова Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот туманининг Гунеқалъа қишлоғида истиқомат қилади. Тўрт ўғлону бир қизнинг волидаси. Муомаласида, содда, меҳнаткаш чеҳрасида самимийлик бўй кўрсатиб турган Аъзимахон опа офицер онаси. Ўғли лейтенант Ақилбек Коразбеков ўн тўрт йилдан буён Ватан хизматида. Дастлаб, Ички ишлар қўшинларида сафдор сифатида фаолият бошлаган йигит кейинчалик Мудофаа вазирлиги тизимида Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё гарнизонларида Ватан ҳимоячилари сафида бўлди. Айни дамда Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри бошлиғи.

– Ўнта бўлса ўрни бошқа, деганларидек, қайси болангиз бағрингиздан йироқ бўлса, ўшанга интиқ бўласиз, – дейди Аъзима опа. – Ақилбек ҳарбий хизматчи бўлишга қарор қилганида дадаси иккимиз жуда хурсанд бўлганмиз. Орзу-умид билан ўстирган ўғлинг юрт хизматида бўлганига нима етсин. Ҳар гал бизни кўргани келганида ҳарбий либоси ўзига ярашиб турган ўғлимни бағримга босиб, кўксим тоғдек кўтарилади. Масъулиятли хизматидан ортиб кўргани келолмаса, отаси билан ўзимиз борамиз. Мевасидан мағзи ширин, деганларидек, кўз олдимдан невараларим ўтаверади. Фарзандлари билан фахрланиш ота-она учун энг катта бахт. Шундай бахт менга насиб этганидан хурсандман. Тилагим – эл-юртимиз тинч, фарзандларимиз соғу омон, ҳаётимиз нурли ва шодумон бўлсин.

Ота-она дуосига фаришталар қўл очади, дейишади. Алпомиш ўғлонларини Ватан тинчлигига камарбаста қилган оналар дуосига бутун олам қўшилса, ажабмас. Негаки, бу муҳтарама зотлар эзгу дуоси ила тонгларни қарши олади, сабру қаноати ила чўнг тоғлар-у, теран уммонларга тенг келади. Шоирона айтганда:

*Норларини элга тутган, нисорларим,*
*Жигарбандин йўлига зор, нигорларим,*
*Туну тонгда ором билмас, бедорларим,*
*Бағри фироқ ҳарбийларнинг Онасини.*

*Еру осмон йўлдош бўлар дуосига,*
*Фариштлар қўл очади нидосига,*
*Не расолар тенг келолмас фидосига,*
*Умри маёқ ҳарбийларнинг Онасини.*

*Гоҳо шаҳид волидаси — кўкси оташ,*
*Садпора дил — нолаларга умри туташ,*
*Ўғлонидан рози бўлган мард, жафокаш,*
*Саботи тоғ ҳарбийларнинг Онасини.*

*Қай юрт нотинч, юрагини ўяр титроқ,*
*«Юртни асра, кўпни асра...» чекади оҳ,*
*Илтижо-ю нидосига тунлар гувоҳ,*
*Қалби ўйғоқ ҳарбийларнинг Онасини.*

*Тинчлик кўшкин энг суюкли султони у,*
*Ботир эрлар қад ростлаган кўрғони у,*
*Эл мардларин мунис жону жаҳони у,*
*Жаннат даргоҳ ҳарбийларнинг Онасини.*

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Vatanparvar»**

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

# ОЖИЗА... ДОВЮРАК... КИТОБХОН...

## 41 минг болага доялик қилган акушер-гинеколог

### Тақдирга битилган исм

**1946 йил 12 декабрь. Ўша куни қиш ўзининг аёвсиз «хулқ»ини кўрсатаётган эди: изғирин шамол, унинг устига тинимсиз ёғаётган қор. Кўчага чиққан киши борки, совуқдан музлаб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳа, бу ерларда совуқ шундай бўлади.**

Несибели опанинг ҳомиладорлик даври очлик йилларига тўғри келгани боис кўнгли истаган нарсани ейиш туғул, қорни тўйиб овқатланмади ҳам. У айни ўша совуқ забтига чиққан куни узоқ тўлғонди. Уйнинг кўздан пана, одамлардан холироқ жойига қўйган Қуръон китобини қўлига олиб, тиловат қилди, фарзандини соғ-омон бағрига босишини сўраб, кўзига ёш келди. Эшикка термилгандан фойда йўқ: эри ишдан кеч қайтади.

– Сулув қиз, акангизнинг йўлига чиқинг, Қалбике опани олиб келсин.

Тўлғоқ Несибели опани анча толиқтириб қўйди. Ўзини икки дунё ўртасида тургандек ҳис этди. Қош қорая бошладики, изғирин шамол ҳали тўхтагани йўқ. Хаёлида доя опа етиб келмайдигандек... Бир пайт ўн беш овулга доялик қиладиган аёл «шырагым шыда, сен дунядағы эң кучли анасаң», деб уни овутиб эшикдан кириб келди. Бу Қалбике опа эди. Туғруқ аёлга ҳам, онага ҳам жуда оғир кечди. Бир пайт хонани чақалоқнинг овози тутиб кетди. Онанинг кўзи ёриди. Халқимиз бекорга, «кўзи ёриди», демас экан. Несибели опа буни шу лаҳзаларда теран англаб турарди. Чунки она фарзанди туғилажак пайт гўё икки дунё эшиги ўртасида турар, кўзига қоронғилик кўринар, бола эсон-омон бу ёруғ дунёга келиб, ҳар иккиси хавфдан фориғ бўлганида атрофга нур сочилар экан. Жийемуратовлар оиласида ўша кун қиз фарзанд дунёга келди. Унга доя аёлнинг исми берилди: Қалбике...

Қалбике ёшлигиданоқ доя бўлишни ният қилди. Болалиги очарчилик йилларига тўғри келди. Иккинчи жаҳон уруши тугаган бўлса-да, аммо у етказган талафотлар инсонлар қалби-ю ҳаётини ҳали-ҳамон тарк этай демасди. Ёшлигидан меҳнатга ўрганган қиз уйда эркак киши қиладиган барча ишни ўзи бажарарди. Чунки оилада ўғил фарзанд йўқ эди.

Тақдир уни мактабни тугатганидан сўнг 1965 йили синфдошлари билан Самарқанд давлат тиббиёт институти томон бошлаб борди. Қорақалпоғистондан борган ўн беш киши ичидан фақат 3 нафаригина ўқишга қабул қилинди. Қалбике ҳам улар орасида эди.

– Талабалик пайтимиз устозим Зоя опа бизни биринчи марта амалиётга олиб чиқди. У киши жуда қаттиққўл эди. Ўшанда илк бор устозимнинг ёрдамида доялик қилганман. Ўша кунни умримнинг охиригача унутолмасам керак, онага қўшилиб ўзим ҳам дард чеккандай ҳолатга тушдим. Шу тариқа талабалик даврининг ўзида юздан ортиқ болаларга доя бўлдим, – дейди Қалбике опа.

Олийгоҳни аъло баҳоларга тугатган опа машаққатли ва шарафли меҳнат йўлини Мўйноқ тумани марказий шифохонасининг акушер-гинекологлигидан бошлайди.

### Мўъжиза

Қалбике опа учун доялик осон кечмади, у ҳамиша энг оғир шароитларда ишлашга мажбур эди. Уйқусиз тунлар, инжиқ об-ҳаво, шароити йўқ шифохоналар... Айрим пайтлари иш куни 24 соатдан иборат эди. Чунки опа икки йил давомида туманда бир ўзи акушер бўлиб ишлади...



Одатий иш кунларидан бири. Шифохонага аҳволи ўта оғир бир аёлни олиб келишди. Унинг ҳаёти хавф остида. Арзимаган хато учун она ҳам, бола ҳам нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Улардан фақат биттасини қутқариб қолиш мумкин, бундай оғир вазиятда ҳар иккисини ҳам омон сақлаб қолиш тажрибали акушер ҳам уддалай олмайдиган иш. Қалбике опа ўша куни ўзини катта синов қаршисида тургандек ҳис қилди. Онага қараб юраги эзилади, ёшгина аёл экан. Операция узоқ давом этди. Шифохонада ҳамма саросимага тушган. Вақт бўлса тўхтаб қолгандек, гўё. Бола туғилди-ю, аммо йиғламади. Янги меҳмоннинг ўрнига опанинг ўзи йиғлаб юборди. Бир пайт чақалоқнинг овози эшитилди. Ҳамма хурсанд, аммо шу пайт онанинг аҳволи оғирлаша бошлади... Қалбике опа онага узоқ муддат муолажа қўллади. Шу тариқа она-бола соғлом ҳаётга қайтди. Ўша чақалоқ қорақалпоғистонлик таниқли спортчи, полвон Медед Каримов эди. Медед ҳозир она Ватан сарҳадларини мардонавор қўриқлаётган ҳарбий хизматчи.

Опанинг ҳаётида бундай синовли даврлар кўп бўлди. Бир куни ярим тунда унинг эшиги қаттиқ тақиллади. Бундай ҳолат жуда кўп бўлган. Оила аъзолари ҳам ўрганиб қолган бўлса-да, лекин то Қалбике опа фарзандни онаси қўлига тутқазиб, уйига қайтиб келгунича мижжа қоқмай ўтирарди. Турмуш ўртоғи кўчага отилди. Дарвоза олдида ҳовлиққанча бир киши турарди. У аёлини дард тутаётганини айтди. Опа дарҳол кийиниб, катта ўғли билан мотоциклда икки соатлик йўл юриб, чўпонлар яшайдиган «Қизил қалъа» деган жойга етиб борди. Чиндан ҳам онанинг аҳволи оғир эди. У камқон экан. Бундай касаллик билан фарзанд кўриш... Овулда ҳеч қандай шароит йўқ. На чироқ, на тиббиёт асбоблари бор. Қалбике опа ўша тунда шам ёруғида доялик қилди. Янги қиз меҳмон дунёга келди. Чўпон ота хурсандчилигидан катта қўйни мотоциклга юклаб қўйган. Аммо опа бундан қаттиқ ранжиди. Бутун ҳаёти давомида холис хизмат қилишга ўрганган хокисор қаҳрамонимиз Яратганга шукроналар айтиб, уйига қайтди.

Қалбике опа билан суҳбатлашар эканмиз, бундай воқеаларни эшитиб ҳайратингиз ошади. Баъзи кунларида ўнталаб болага доялик қилишига тўғри келган экан. Қалбике опанинг кундалигини ҳам кўрдик, у ёдида қолган туғруқ жараёнларидан баъзиларини қайд этиб борган. Рўйхат ҳайратланарли: автобусда туғилган қизалоқ, бўқоқни енгган она ва бола, машаққатли ва муваффақиятли операциялар...

Қалбике опа умри давомида 41 минг чақалоққа доялик қилган. Агар буни республикамизнинг жами аҳолисига нисбатан оладиган бўлсак, юртдошларимизнинг 6 фоиз аҳолиси туғилишида Қалбике опанинг ҳиссаси бор. Қойил қолмасдан иложинг йўқ. Буларнинг қанчаси ҳозир она Ватан ҳимоясида мардонавор хизмат қилаётганини тасаввур этяпсизми?

### Меҳнат билан гўзалдир умр

Қалбике опа бу йил 74 баҳорни қарши олмоқда. Аммо ҳамон тетик, ҳамон меҳнат қилмоқда. Эл ардоғидаги аёл, меҳрибон устоз. Инсон умри чиндан ҳам эзгу ишлари билан ўлчанар экан. Опа қаерга бормасин, ўрни тўрда, ҳурмати баланд. Мўйноққа кўп борганман. Ким билан гаплашсам ҳам шу инсоннинг хизматларини, меҳнатларини ёритинг, дейишади. Шу бугунга насиб қилган экан.

Қаҳрамонимизнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Яқиндагина «Ўзбегим аёли – 2020» миллий мукофотида унга «Довюрак аёл» унвони берилди. «Ўзбекистон Республикасига меҳнати синган шифокор» ва мустақиллигимизнинг 20 ва 25 йиллик кўкрак нишонлари соҳиби.

– Аввал туманимизда аҳвол жуда оғир эди. Охирги йилларда Мўйноққа қаратилаётган юксак эътибор барчамизни хурсанд қилди. Шифокор сифатида айтишим мумкинки, бу ерда аёллар саломатлигини тўғри йўлга қўйиш керак. Чунки улар камқонлик, бўқоқ ва табиий иситмадан азоб чекишади. Оролдаги экологик шароит оқибатида оналар ва болалар ҳаёти хавф остида қолаверади. Уларни ўз вақтида дори-дармонлар билан таъминлашимиз керак, – дейди опа.

Қалбике опа ишдан бўш вақтлари аҳолининг соғлом турмуш тарзи бўйича ўқув машғулотларини олиб боради. Она ва болалар учун бепул маслаҳат марказини юритади. Мунтазам меҳнатга ўрганган опанинг ҳеч уйда ўтириб дам олгиси келмайди. Ҳозир у туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ уйи бўлими бошлиғи, кўплаб шогирдларнинг меҳрибон устози.

– Китоб ўқишни яхши кўраман. Ишдан кеч келсам-да, ҳар куни китоб ўқимасам, ўзимни ноқулай ҳис қиламан. Ёш акушер ва гинекологларга қўлланма тайёрлаш олдида турибман. Киши борки ўқишдан тўхтамаслиги керак. Шунинг учун ўзимни эски давр одамидек ҳис қилмайман *(кулади)*. Доим янги билимлар олиб бораман, – дейди опа.

Ҳа, Қалбике опанинг шинамгина кутубхонаси ҳам бор.

Яхши биламизки, Мўйноқ – соғлом ҳаёт учун кураш кечаётган майдон. Ана шундай шароитда сидқи дилдан меҳнат қилаётган, кўнгли осмон бўлган опанинг медаллар қадалган кўксида яна битта бўш жой бор. У ерга фақат «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ярашади. Мен шундай ўйладим.

**Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,**
**«Vatanparvar»**

БУ ҚИЗИҚ!

# АЁЛЛАР ЯРАТГАН ИХТИРОЛАР

Маълум бўлишича, ҳозирда эркаклар мамнуният билан фойдаланадиган буюмларнинг кўпини аёллар ихтиро қилган экан. Совиткич, зирҳли жилет ва ҳатто, пиво ҳам аёллар томонидан ўйлаб топилган. Юқори технологиялар соҳасидаги баъзи донгдор ихтиролар ҳам айнан гўзал хилқат вакилларига тегишли.

### Қуёш батареялари



Доктор Мария Телкес ва унинг ҳамкасби Элеанор Реймонд қуёш батареялари ишлаб чиқариш соҳасида янгилик яратувчилар бўлди. Телкеснинг илмий ишлари унга кўплаб мукофотларни келтирди ва «ақлли уйлар» технологиялари учун асос қилиб олинди.

### Симсиз алоқада фойдаланиладиган технологиялар

Олима ва актриса Хеди Ламарр АҚШ флоти учун радиоалоқа соҳасида инновация яратди, у Bluetooth ва WiFiга ўхшаш бўлган технологиялар учун асос бўлди.

### Микротўлқинли печ



Жесси Картрайт маиший техникада кўплаб фойдали технологияларни ўйлаб топган, бироқ улар орасида энг аҳамиятлиси микротўлқинли печдир.

### Уй совиткичи



Америкалик муҳандис Мери Энгел Пеннингтон 1970 йилда озиқ-овқат етказиб бериш учун кўчма рефрижератор қурилмаларини ишлаб чиқди. 1914 йилда эса яна бир ихтирочи аёл Флоренс Паспарт уй совиткичи учун патент олди.

### Телекоммуникация соҳасидаги ихтиролар

Доктор Ширли Энн Жексон телекоммуникациялар соҳасидаги тадқиқотлари орқали тон билан (овозли) телефон, портатив факс ва бошқа кўплаб юқори технологияга оид буюмлар ихтирочилари учун йўл очиб берди.

### MAC интерфейси



Сюзен Кейр – Macintosh компьютерларидаги афсонавий элементларни яратган график дизайнер.

**А. МАХСЕТБАЙ қизи**

## ХАБАРЛАР

### «БАХТИМ ШУ – ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН»

Баҳор – янгиланиш фасли. Унинг илк куниёқ байрамлар билан бошланади. Бу гўзал фаслда баҳорий кайфият ҳарбий қисмларни ҳам қамраб олди.



Шарқий ҳарбий округ Фарғона гарнизони Маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон халқ шоири, вафо ва садоқат куйчиси Зулфияхоним таваллудининг 105 йиллиги муносабати билан «Бахтим шу – ўзбекнинг Зулфиясиман» мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирни 3-сонли мусиқа ва санъат мактабининг «Дуторчи қизлар» гуруҳи «Дутор навоси» номли мусиқий композицияси билан очиб берди.

Кечада Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг иқтидорли ўқувчилари шоира шеърларидан ўқишди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Дилнавоз Қўлдошева, Моҳидил Қурбонова Президентимиз томонидан иқтидорли қизларга қаратилаётган эътибор, билдирилаётган юксак ишончга муносиб бўлишга интилаётганликларини айтиб ўтдилар.

– Зулфияхоним ўз ижоди орқали жаҳон адабиётига улкан ҳисса қўшган ижодкор. Унинг вафо нафаси уфуриб турган асарлари, машаққатли ҳаёт йўли барча аёлларга ўрнакдир. Бу шоиранинг таваллуд айёми кўтаринки руҳ билан ўтказилаётганидан ҳам аён, – дейди Шарқий ҳарбий округ хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Нилуфар Артиқова.

Тадбирнинг фаол иштирокчилари эсдалик совғалар билан тақдирланди.

### НАФИСЛИК ВА САЛОМАТЛИК МАНБАИ



Юртимизда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш устувор вазифалардан биридир.

Шу муносабат билан Тошкент молия институтининг спорт мажмуасида «Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи» шиори остида мусобақа ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Мудофаа, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият вазирликлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда жами 24 та жамоа иштирок этди. Улар стол тенниси, енгил атлетика, бадминтон каби спортнинг олтита тури бўйича беллашди.

Тадбир якунида фестиваль шартларидан келиб чиқиб, фаол иштирок этган жамоаларга эсдалик совғалар топширилди.

Мудофаа вазирлиги жамоаси «Энг кучли техникага эга жамоа» сифатида эътироф этилди.

**Ш. НИШОНОВА**

### Тузатиш

Газетамизнинг 2020 йил 28 февраль 9-сони 24-саҳифасидаги «Нима қачон қаерда?» номли мақоланинг учинчи устун тепадан 12, 13-қаторлардаги «1983» ва «1986» рақамлари «1863» ва «1896» деб ўқилсин.

**КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ**

# «ИККИ ЭШИК ОРАСИ»

**Иккинчи жаҳон урушининг тамом бўлганига ҳам 75 йил тўляпти. Бу уруш мамлакатимиздан олисларда кечди. Бироқ она Ўзбекистон уруш гирдобига тортилган мамлакатлардан кам азият чеккани йўқ. Эҳтимол унинг йўқотишлари бошқаларникидан кўпроқ ҳам чиқар.**

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги тикланиш йиллари ҳақида битилган асарларнинг саноғи йўқ. Фильмлар ҳам шундай. Шундай бўлса-да ўша давр ҳақиқатини бор фожиалари билан акс эттирган асарлар, фильмлар бармоқ билан санарлидир.

Биз, катта авлод уруш кўрганларнинг, уруш йиллари туғилганларнинг фарзандларимиз. Уларнинг хотираларини тинглаб улғайдик, негадир кўрган азоблари ҳақида гапирмасдилар. Мактаб дарсликларида ўша даврга оид салмоқли боблар мавжуд эди. Фильмлар, адабиёт совет кишисининг қаҳрамонликлари билан тўлиб-тошган ва биз ўз навбатида урушни ҳам қаҳрамонликлардан иборат деб билдик.

Иккинчи жаҳон урушига оид ҳужжатли фильмларда музаффар совет қўшинларининг Европага халоскорлик юришлари, ғалаба қувончи акс этган лавҳаларни ҳаммамиз кўрганмиз. Бизга фақат музаффар жангчилар кўрсатилди, ғалабадан масрур қиёфалар кўрсатилди. Бироқ... айнан ўша лаҳзаларда бозорлар, вокзаллар қўлсиз, оёқсиз нотавон ҳолга тушган, тиланчилик қилиб кун кўраётган собиқ жангчиларга тўла эди. Фашистлар томонидан отиб ўлдирилганлар ҳақида маълумотлар кўп эди. Бироқ... очдан ўлганлар ҳақида лом-мим дейилмади.

Бугун Иккинчи жаҳон уруши ҳақида биз кутмаган ва билмаган ҳақиқатлар қалқиб чиқди.

Уруш ҳақида асарлар кўп. Ўқ овозлари, қонли жанглар, ярадорлар... Аммо шундай асарлар борки, жанг лавҳаларини деярли кўрмайсиз, урушнинг бор фожиасини кўрасиз, у келтирган азоб-уқубатларни юракдан ўтказасиз. Жанглар йўқ, юраклардан ўчмас, оғриқли акс-садоси бор. Шундай асарлардан бири севимли адибимиз (Аллоҳ ҳузурида юзлари ёруғ бўлсин) Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» китобидир.

Муаллиф асар аввалидаги сўзбошида шундай ёзган: *«Бу китобдаги кўп одамларни ўзим кўрганман. Кўплари билан гаплашганман. Баъзиларининг ўзи билан, баъзиларининг... руҳи билан...»*

Бир ўқувчи сифатида (ҳа, мен оддий бир ўқувчиман, асарни таҳлил қилиш фикридан йироқман, кўнглим мулкига айланган бир қимматли асар сифатида сизга ҳам илингим келди) илк таассуротларимни айтадиган бўлсам, асар қаҳрамонлари орасида мен учун бегонаси йўқ экан. Улар аллақайси жиҳатлари билан мен яқиндан билган инсонларни кўз ўнгимда гавдалантирган. Китобда уларнинг қиёфаларини кўргандек бўлдим. Бу асарда ўн еттига тўлмаган ўғлини урушга кузатган, бедарак кетди, деган тавқи-лаънат туфайли хотира китобларида ҳам номи учрамайдиган ўғлини сўнгги нафасига қадар кутган Меҳри момом, Ҳасан бобомни кўрганман. Бир умр диний илмини яшириб яшаган Ибодов домламиз ҳам бор эди. Ва гўзал, ҳам қайғули муҳаббат қиссаси билан менинг қимматли мулкимга айланди бу китоб.

Муаллифнинг сўзбошидан ўқиймиз: *«...уруш фақат окопдаги жангчиларнинг жонига чанг солиб қолмади. Минглаб чақирим наридаги одамларни ҳам синовдан ўтказди. Мушкул дамларда имонини, инсонлигини сақлаб қолган ота-оналаримиз, ака-опаларимизнинг ҳаёти бугунги замонда бизга ўрнак бўлса, не ажаб!»*

### КУЗАТИШ

«Икки эшик ораси»да тилаб-тилаб олган ёлғиз ўғлини урушга кузатган онанинг ҳолати шундай тасвирланади: *«Ойим шундоқ ерга ўтириб қолган, ранги қув ўчиб, рўмоли елкасига сирғалиб тушган, кўзи юмуқ эди. Икки чаккасидаги сочи оқариб кетганини энди сездим. Наҳотки, бир кечада?..*

*Ҳовучимдаги сувни ойимнинг юзига сепдим.*

*Ойим бир сесканди, аммо кўзини очмади.*

*– Ўғли-м! – деди ожиз инграб. Кўзларидан икки томчи заҳардек аччиқ ёш сизиб чиқди-да, кўкариб кетган юзидан оқиб, лабининг четида туриб қолди. Кечадан буён бутун бардошини тўплаб, Кимсан акамнинг олдида йиғламагани ҳаққи ичида уммон бўлиб ётган алам энди шу икки томчига айланиб тошиб чиққанини ҳис этдим-у, юрагим санчиб кетди».*

Шу кичик бир тасвирда уруш ортидаги урушнинг улкан фожиаси акс этиб турибди. Бундай оналар қанча эди?! Интиқликнинг, интизор кутишнинг қиймати борми? Барбод бўлган орзу-умидларни ҳам рақамларга жойлаб бўлармикан?

### «УРУШ ҚИЛМАЙ, УЙИНГ КУЙГУРЛАР!»

Муаллиф ўзи таъкидлаганидек, асарда фожиалар кўп. Адиб Робия образини ўзгача бир муҳаббат билан яратган. У 30-йиллар қатағони қурбони бўлган зиёлининг қизи. Энг тоза туйғуларига гард теккизмай асраган, «икки эшик орасида ҳаёт аталмиш иморатга битта бўлса ҳам ғишт қўйлган» инсонлардан бири, у.

Асарда Робия ҳикоясидан ўқиймиз: *«Ҳали бошимга бундан оғир кунлар тушишини, бундан баттар бедодликлар кўришимни, Кимсан акам иккаламизнинг ўртамизда синдирилган нон увол кетиб, ушатилган ҳолва бекор бўлишини билмаган эканман.*

*Шу тобда биров: беҳуда овора бўляпсан, суйганинг қайтиб келмайди, бир йил эмас, беш йил эмас, ўн йил кутасан-да, охири Кимсан аканг у ёқда қолиб, яхши кўрган янганг – Раъно келинойингнинг эрига хотин бўласан, севасанми-севмайсанми... деса, ўша заҳоти юрагим ёрилиб, ўлган бўлардим».*

Ҳа, шундай ҳам бўлди. Уни севгилиси Кимсаннинг тоғасига узатдилар.

Яна ўқиймиз: *«Роби опам қийиқчани тиззасига ёйиб, узоқ қараб қолди. Қийиқчани секин-секин силади. Аввал ранги ўчди. Кейин лаблари пирпирай бошлади. Қийиқчани юзига босди-ю, елкалари титраб-титраб, бирдан ўзини намат тўшалган ерга отди.*

*– Ночорман! – деди ўкраб. – Шўрим қурсин!*

*– Кечиринг мени! – деди қийиқчани юзига босиб. – Рози бўлинг!*

*...*

*– Бошимни қаёққа олиб кетай! – икки қўлини қийиқча аралаш баланд кўтариб сочини чангаллади. – Уруш қилмай, уйинг куйгурлар! Боланг ўлгурлар! – у илон чаққан одамдек бутун гавдаси билан бетоқат тўлғонар, сочи тўзғиб, кўзлари олайиб кетган эди».*

«Уруш қилмай, уйинг куйгурлар! Боланг ўлгурлар!» Оламда бундан ҳам даҳшатли қарғиш борми?! Урушга бундан ортиқ лаънат борми?

Бу барбод бўлган орзу-умидларнинг фарёди эди. Бу номаълум аскар Кимсаннинг овози эди.

Асар қайғули муҳаббат қиссаси билан бошланиб, ундан-да қайғулироғи билан ниҳоясига етган.

Робия ва Кимсан муҳаббати. Унда уруш эди. Уруш уларни бир-биридан айирди. Музаффар ва Мунаввар нинг севги қиссаси-чи?! Бу қисса жуда гўзал бошланиб, нега бунчалар аламли, аччиқ ниҳояланди? Уруш тамом бўлганининг йигирма биринчи йили яна бир бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлди. Мунаввар исмли мунаввар қалбли бир қиз. Бор-йўқ айби Музаффар эмикдош акаси эканлигини билмай севиб қолди. Ва номусга чидай олмай...

Гўдакни асраш учун бекитилган ҳақиқат кутилмаганда юзага чиқди-ю, икки ёшнинг ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборди.

«Икки эшик ораси» ҳақида гапириш эмас, уни ўқиш керак. Катталар билан бир қаторда далада меҳнат қилган болалар, фарзанд доғида куйган аёллар, оталар, номаълум аскарлар, сўнгги бурда нонини ҳам бўлишган буюк ўзбек халқи... Икки эшик орасида ҳаёт аталмиш иморатга бир ғишт қўйиш ўрнига ундан бир ғишт ўғирлаб кетмоқчи бўлганлардан огоҳ бўлиш учун, уруш ва унинг фожиаларини теранроқ англаш учун, энг оғир дамларда ҳам инсонийлигини йўқотмаган миллатнинг улуғворлиги билан фахрланиш, бугуннинг қадрига етмоқ, қадрламоқ учун бу китобни ўқиш керак.

Ўқиймиз: *«Назаримда унинг бояги салобати сусайиб қолгандек, тўсатдан қадди букилгандек туюлди. Негадир каттакон кафтининг орқаси билан оппоқ, қуюқ қошларини силаб қўйди. Билмадим, қошини силадими, кўзини артдими?..*

*– Келин, – деди аммамга зимдан қараб, овози титраб кетди. – Нимагаям падарлаънат уруш бўлди-а?!»*

Асар сўнгида Музаффарнинг қуёш тилидан сўзлаган ҳикояси бор. Ўқиймиз: *«Бир киприк қоқғулик қисқагина умрингизда тинч-тотув яшасаларинг бўлмайдими? Гоҳ нон талашасизлар, гоҳ шон! Гоҳ макон талашасизлар, гоҳ имон? Ахир ҳаммангиз инсонсиз-ку!*

*...Етар ахир, етар, болажонларим! Ўз онангизни – Ер куррасини адойи тамом қилиб тинчимоқчимисиз?!»*

Қуёш ҳар куни шундай деб илтижо қилади. Аммо одамлар унинг ҳайқиришини эшитмайди».

Ҳа, одамлар эшитмайдилар. Агар эшитганларида эди бугун Ер юзида бу каби нотинчликлар, қуролли тўқнашувлар юз бермасди.

Азиз ўқувчи, бу оддий асар эмас. Ўзбекистон тарихининг ҳам бир қисми бўлган Иккинчи жаҳон урушига қарши Айбномадир!

**Инобат НОДИРШОҲОВА**

СУҲБАТ

# «ҲАРБИЙЛАРГА АТАЛГАН РОМАН ЁЗИШ НИЯТИДАМАН»

**Ёзувчи, драматург, Усмон Носир мукофоти соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қўчқор Норқобил билан суҳбат**

***– Ассалому алайкум! Устоз, сизни ижодкор сифатида яхши биламиз, армиядаги Қўчқор Норқобил қандай бўлган? Хотиралар билан ўртоқлашсангиз.***

– Ёшлигимизда чинакам йигитлик армияга борган-бормаганинг билан ҳам белгиланарди. Армияда бўлдингми, демак, сен йигитликнинг муҳим синовидан ўтгансан. Уларга болакайлар айрича бир ҳавас билан қарарди, обрўси ҳам баландроқ эди. Қизлар ҳам, назаримда, ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни ёқтиришарди. Хуллас, йигитмисан, армияда хизмат қилишинг шарт эди. Мен ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтадим. Афғон урушида қатнашдим, нимасини гапирай, нимасини айтиб мақтанай. Гўё қиёмат-қойим эди, тирик қайтишнинг қайғуси елкамизни эзиб, гандираклатиб ташлаганди. Икки йилга яқин вақт мобайнида жонимни ҳовучлаб кун ўтказдим, ўлимга чап бериш машқини ўргандим. Дарвоқе, уч ойлик ҳарбий тайёргарлик ҳам ҳавас қилса арзигулик жойда ўтмади. Туркманистоннинг Тежен деган жойида, саҳронинг ўртасида қўққайган бир ҳарбий қисмда жанговар тайёргарликдан ўтдик. Айни ёз, борлиқ ёнаман дейди. Ичишга сув йўқ. Тиконни қайнатиб беришарди. Совуқ сувни сира ичиб бўлмасди, терлама касалига йўлиқиб, ўлиб кетишинг мумкин эди. Уч ой жазирамада янтоқни қайнатиб ичишни тасаввур қилинг. Кўпчилик сариқ касал бўлувди, жумладан, мен ҳам. Барибир Афғонга олиб кетишди. Бир ой Ашхободдаги госпиталда даволандим, энди мени Россиянинг бирор жойига жўнатишса керак ёки Европага тушаман, деб ўйлагандим. Чучварани хом санаган эканман. Афғонга одам етишмабди. Касал эканлигимга қарамай бир кечанинг ўзида дўзахга ирғитишди. Армияда қисқа фурсатда чаққонликни, абжирликни ўргандим. У ерда яшаб қолишнинг йўли шу эди-да.



***– «Умр шомидаги нур» номли ҳикоянгизда «Урушнинг адолатли ва адолатсизи бўлмайди. Урушларнинг ҳаммаси ёмон...» деган жумла бор. Умуман, ҳикояларингизда уруш кўрганингиз сезилади. Гўёки ўзингизни асарларингизга сочиб юборгансиз... Уруш кўрган ҳамма ҳам бадиий асар ёза олмайди. Уруш йиллари акс этган роман ёзиш ниятингиз борми?***

– Уруш одам руҳиятини карахт қилиб ташлайди. Одамнинг қуролдан бошқа муддаоси бўлмайди. Моҳият битта: одам одамни ўлдиради. Урушларнинг адолатли, адолатсизлиги ҳақида бир ўқитувчимиз гапирганда ўша пайт муштдай бошим билан унга қарши чиқиб: «Урушда барибир одам ўлади, одам ўлгач, адолатингизнинг нима кераги бор?» деганман. Муаллимдан дакки эшитганман, унинг фикрига қарши борганим учун мени дарсдан чиқариб юборган. Уруш кўрган ёзувчи нима ёзмасин, ўз қалб оғриқларини ёзади. Унинг ичида бўлган ёзувчининг уруш ҳақида ёзмаслигининг ҳам иложи йўқ. Қалб азобини қоғозга тушириш учун ёзувчи неча бор ўлиб-тирилади.

Худо хоҳласа, роман ҳам бўлиб қолар, шундай ниятим ҳам йўқ эмас.

***– Эрон, АҚШ, Сурия, Ироқдаги жараёнларни кузатиб Учинчи жаҳон уруши бўлиб кетадигандай туюлади баъзан. Уруш минглаб одамларнинг ёстиғини қуритади. Афғон уруши ҳақида яна нималар дея оласиз?***

– Афғон уруши бемақсад, босқинчилик уруши бўлган. Бировнинг уйида сенга нима бор, дейдиган одам йўқ эди-да ўша пайт. Онгимизни байналмилал тушунчаси билан заҳарлаб ташлашган. Қўлимизга қурол олиб, бировнинг уйига бостириб киравергандик. Лекин у ерда бир-икки бор жангга чиққач, нега, нима учун, деган саволлар ичимизда илдиз отиб борарди. Худди бир ўсимта миянгда ўсиб чиққандай шу саволлар оғриқ берарди. Бироқ кеч, ортга эса йўл йўқ. Ахир афғон урушида иштирок этганларнинг, беҳуда ўққа учганларнинг нима гуноҳи бор? Ажал оғзига улоқтириб юборилган бечора аскарларнинг айби йўқ бу урушда. Улар кўрадиганини кўришди, қанчалари ўлиб кетишди, қанчалари ярим жон бўлиб қолди, қанчалари асабий ва ҳоказо... Совет Иттифоқи ўз манфаатини ўйлаб, Америка билан Афғонистонни талашиб, шу йўлни танлади. Аскарлар қирилиб кетса кетар, нима бўлса бўлар, лекин Америка афғонни эгаллаб олмай ўзимиз бостириб кирайлик, социалистик тузумни шу ерга ҳам тиқиштирайлик, деган зуғум бўлган бу уруш замирида.

***– 40-йилларда ҳарбий мавзуда кўплаб романлар ёзилган. Мисол тариқасида Ойбекнинг «Қуёш қораймас», Шуҳратнинг «Шинелли йиллар» асарларини келтириш мумкин. 80-йилларда уруш тасвирлари кўпроқ сизнинг асарларингизда акс этган. Бошқа кўплаб асарлар ёзилган бўлиши мумкин, лекин ҳаммаси ҳам кўнгилга етиб бормайди. Яхши асар ёзилиши учун уруш бўлиши шартми?***

– Ёзувчи ўз кўнглидан ўтказган, ўзи яшаган, кўрган, ҳис қилган ҳаётни яхши тасвирлайди. Юксак бадиий ифода эса ҳаётийликка ранг беради, жилолантиради. Ҳеч бир нарса ҳаётдан айро ҳолда юксак даражада акс этмайди. Қисса ёки романга ҳам тегишли бу гап. Асарнинг нечоғлик савияда дунёга келишида, албатта, муаллифнинг маҳорати зарурлигини биламиз. Чунки бу мавзуда ҳар ким ҳам ёзавермайди. Уруш совуқ нарса, совуқ нарсани ким ҳам ўз қалбига жо этгиси келади. У кунлар даҳшати ўрнашиб қолган изтироблардан қутулиш йўлини излаган адиб уруш ҳақиқатларини қоғозга тўкишга журъат эта олади.

***– Жаҳон адабиётида урушга бағишланган асарлар кўп. Масалан, Ремарк, Эрнест Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол», Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романлари. Сизда ушбу асарлар қандай таассурот қолдирган?***

– Уларда қалбимнинг оғриқларини туйганман. Хемингуэйнинг деярли барча асарларини ўқиганман. Ремаркдаги тиғиз тасвирлар ҳайратга солган бўлса, Толстойдаги донишмандлик, жўмардлик, туйғулар жаранги мени ўзига маҳлиё этган. Улар урушдаги нур – муҳаббатни жуда чиройли тасвирлашган. Шу сабабли уларнинг асарлари дунё китобхонлари эътирофига сазовор.

***– Бугун юртимизда китобхонликка катта урғу бериляпти. Ҳарбий хизматчи учун китобнинг аҳамияти қандай?***

– Аскарнинг руҳиятига нур, зиё китоблар орқали кириб боради. Бобур адабиёт одами бўлмаганида бу даражада довруқли шахс, буюк подшоҳ бўлолмасди. Улуғ бобомиз Амир Темур илмни улуғлаган, уламоларни шарафлаган, ўзи эса мунтазам мутолаа билан машғул бўлган. Китоб инсонни кучли қилади, ботинига куч беради. Ботинан кучли одамни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Китоб ўқиган одам майдалашмайди, қўрқоқлик қилмайди, сотқинлик қилмайди. Ҳарбий хизматчи учун бундан улуғ фазилат бўлиши мумкинми? Билингки, ким кўп ўқиса, у енгилмайди.

***– Қуролдош дўстлар бошқача бўлади, дейишади. Армиядан топган дўстларингиз борми?***

– Дўстларим билан жуда яқинмиз. Бир-биримизни сўзсиз тушунамиз. Айниқса, битта полкда бирга жанг қилган қуролдошларим учун ҳамиша хизматга тайёрман. Улар ҳам мен учун шундай қила олишларига ишонаман. Бир-биримизни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Дўстларим мамлакатимизнинг барча вилоятларида бор. Шунингдек, Кавказда, Россиядаги дўстларим билан боғланиб, ҳол-аҳвол сўрашиб тураман.

***– Ҳарбий қисмларга ижодий учрашувларга кўп борасиз. Бугунги армиянинг кечагисидан фарқини сезасизми?***

– Бугунги армиянинг кечагисидан осмон билан ерча фарқи бор. Ҳозирги армия ҳар жиҳатдан мукаммал, профессионал армия. Аскарлар савияси, маҳорати, куч-қудрати етук. У ердаги шарт-шароитларни таърифлашга сўз ожиз. Замонавий аскар бўлиш пешонасига битилган укаларимга ҳавас қилмай иложим йўқ.

***– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Ижодингизга омад тилаймиз!***

**Шоҳсанам НИШОНОВА суҳбатлашди.**

ХАБАРЛАР

## ОТАХОННИ РУҲЛАНТИРГАН ТАШРИФ



1943 йилнинг март ойида урушга отланган Нуруммат ота ҳали олдида турган синовларни тасаввур ҳам этмаганди. Ёвқур ўғлон Челябинскдаги полкда хизматни бошлаб, дастлабки ҳарбий кўникмаларини оширди. Украина ерларида душманнинг қақшатқич зарбаларини қайтаришда бир неча бор мардлик намунасини кўрсатди. 1944 йили аёвсиз босқинларнинг бирида қаҳрамонимиз бошига ўқ тегиб, яраланди. Тўрт ой ҳарбий госпиталда даволангандан кейин Нуруммат ота яна фронтга юборилди. Шундан сўнг отахон Руминия остоналарида жанг қилиб, махсус операцияларда қатнашди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда Урганч ҳарбий прокуратураси ходимлари Гурлан тумани Жалоир маҳалласида истиқомат қилувчи 95 ёшли Нуруммат ота Матёқубовнинг хонадонида бўлди.

Ҳарбийларнинг ташрифидан руҳланган отахон қад-қоматини ростлаб, уруш йилларидаги воқеалар, у ерда ватандошларимиз кўрсатган жасоратлар ҳақида сўзлаб берди. Бир асрга юзлашаётган нуроний суҳбати якунида бугунги тинчлик ва осойишталикка шукр айтиб, юртни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши кераклигини таъкидлади.

## ҲАРБИЙЛАРДАН БОҒ ҚОЛСИН!

Юртимизда янгиланиш ва яшариш фасли бошланиши билан жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олади.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинларида «Ҳарбийлардан боғ қолсин!» шиори остида Нукус ва Урганч гарнизонларидаги ҳарбий қисм ва ҳарбий шаҳарчалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларининг хонадонлари, таълим муассасалари ободонлаштирилди, мевали дарахт кўчатлари экилиб, дарахтлар оқланди, чор атроф тартибга келтирилди.

Уюшқоқликда ўтган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларида минглаб ҳарбий хизматчилар, қорақалпоқ ва Хоразм ёшлари фаол иштирок этди.

## ЎЗГАЧА ТУҲФА

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Дилшод Чориев, Нукус ҳарбий прокуратураси вакиллари ҳамда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тилеубай Отепбергеновнинг хонадонида бўлди. Отахонга байрам совғалари, қиш-ёз тизимида ишлайдиган кондиционер топширилди. Отахон кўрсатилаётган эҳтиромдан миннатдор бўлиб, уруш йилларининг машъум кунларини ҳозирги дориламон дамларга қиёсан сўзлаб берди.

– Тинчлик бор жойда тараққиёт, эртанги кунга ишонч бор. Халқимиз тинчлик-тотувлик дунёдаги энг олий неъмат эканини яхши билади. Уни доим қадрлаб, асраб-авайлайди, – дейди Тилеубай бобо. – Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказининг ҳарбий оркестри жамоаси ижросида Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради, отанинг оила аъзолари, қўни-қўшнилар ҳарбийлар билан бирга рақсга тушдилар.

Ҳарбий хизматчилар томонидан отахон яшайдиган уй ҳовлисига экилган бир неча туп ниҳоллар ўзгача туҳфа бўлди. Энди бу ҳовлида нуронийга бағишланган кичик боғ гуллаб-яшнайди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**

ҲУҚУҚ

# ИСТИҚБОЛДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Қуролли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурори генерал-майор Ш. Узаков раислигида Республика Ҳарбий прокуратура маҳкамаси ва ҳудудий ҳарбий прокуратураларнинг прокурор-тергов ходимлари иштирокида видеоконференция орқали йиғилиш бўлиб ўтди.**



Унда Президентимизнинг 2020 йил 10 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгаши йиғилишидаги, Қуролли Кучлар ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидаги ва 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳамда ҳарбий прокуратура органлари томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилиш раиси Қуролли Кучларни замонавий қурол-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий техника, ҳарбий ва техник жиҳозлар билан таъминлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда модернизация қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, хизматни ўташнинг низом қоидалари асосида ташкил этиш, ҳарбий хизматчилар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, сифатли жанговар тайёргарлик ва ҳарбий хизмат ўташнинг хавфсизлигига қаратилган қонунчилик талабларининг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали ва таъсирчан назорат ўрнатиш борасида фикр юритди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш чораларини жадаллаштириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга оид мулоҳазалар юритилди. Қуролли Кучларда тўлов интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағлари ўзлаштирилиши ҳамда мақсадли ишлатилишини доимий мониторинг қилиш ва тегишли чоралар кўриш, Қуролли Кучларда бўш турган ва фойдаланилмаётган объектларни ишлаб чиқаришга жалб этиш юзасидан масъул идоралар фаолияти устидан назорат самарадорлигини ошириш, ёрдамчи хўжалиги ер майдонларидан мақсадли фойдаланилиши аҳволи устидан прокурор назоратини таъминлаш, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни амалга татбиқ этиш каби муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан келгусида ушбу йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**Адлия майори**
**Шавкат РАЖАБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

ТАЪЛИМ

# ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФИЛИАЛДА

## янги йўналишда юридик кадрлар тайёрланади

**Президентимизнинг 2019 йил 7 февралдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, жорий ўқув йилида Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ)нинг ихтисослаштирилган филиали ташкил этилди.**



Муаллиф суратга олган

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолият кўрсатаётган нозирлар ҳуқуқий, сиёсий жиҳатдан пухта билимли, кенг дунёқарашга эга, кўпчилик билан ишлай олиш, инсон психологиясини теран тушуниш кўникмасига эга бўлиши керак. Бу борада юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсади кўзланган ТДЮУ ихтисослаштирилган филиалида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун юридик кадрлар тайёрланади. Қарорга мувофиқ, филиал бакалавриатига қабул квотаси йилига 255, кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича эса ҳар олти ойда 50 кишини ташкил этади.

Филиалда кундузги таълим шаклида бакалавриатнинг махсус уч йиллик дастури бўйича юридик кадрлар тайёрланади ҳамда улар махсус олти ойлик дастур бўйича қайта тайёрланади. Бакалавриат таълим йўналишига умумий ўрта (11-синф негизида) ёки ўрта махсус маълумотга эга, соғлиғининг ҳолати бўйича Ички ишлар ходими ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка эга Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ўқишга кириш учун ҳужжатлар қабул қилинади.

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия қўмондони тавсиялари асосида олий ноюридик маълумотга эга бўлган амалдаги ходимлар ва ҳарбий хизматчилар эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қайта тайёрлаш курсига ўқишга кириш учун белгиланган тартибда ҳужжат топширишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июндаги «Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиалига ўқишга қабул қилиш тартиби ва ўқув жараёнини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида Мудофаа вазирлигига филиалда 2-курс учун белгиланган ўқув жараёни якунланганидан сўнг талабаларни (муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаганлар бундан мустасно) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда, шартнома асосида Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташини таъминлаш вазифаси юклатилган.

– Бакалавриатга ўқишга кириш учун ҳужжат топширадиган талабгорларнинг 18 ёшдан кичик ва 25 ёшдан катта эмаслиги, шунингдек, бўй баландлиги эркаклар учун 165 сантиметрдан, аёллар учун 160 сантиметрдан паст бўлмаслиги белгиланган, – дейди филиал катта ўқитувчиси захирадаги подполковник Отабек Қодиров. – Филиалга ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган қабул квотаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардиянинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида мутахассис кадрларга бўлган талаблар таҳлил қилинган ҳолда эркаклар ва аёллар, шунингдек, ўзбек ва рус тиллари бўйича ўқитиш сонига қараб тақсимлаб борилади.

Талабгорлардан белгиланган ҳужжатлар ҳар йили 15 июндан 15 июлгача филиал қабул комиссияси томонидан қабул қилинади. Филиалда ўқитиш тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилиб, бакалавриатни тамомлаган битирувчиларга «Юриспруденция» таълим йўналиши бўйича намунадаги диплом ва «лейтенант» унвони берилиб, Ички ишлар вазирлиги ёки Миллий гвардия тизимида Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида камида беш йил ишлаб бериш мажбурияти юкланади. Битирувчига беш йил ишлаб бериш мажбуриятини бажариш даврида ойлик иш ҳақи тўланади ва Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия тизимида амалда мавжуд имтиёзлар тўлиқ қўлланилади.

Тошкент давлат юридик университети ихтисослаштирилган филиалининг расмий веб-сайти – «www.sbtsul»да муштарийлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб топиши мумкин.

**Д. РЎЗИҚУЛОВ**

МАЛАКА

# ОЛОВ – ДЎСТ, ОЛОВ – ДУШМАН!

**Кундалик турмушимизни оловнинг кўмагисиз тасаввур этиш мушкул. Иссиқлик қуввати бобида тенгсиз дастёрнинг тасодифан мол-мулк, ҳатто ҳаётимизни зумда кулга айлантириши мумкинлиги ҳам бор гап.**



Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг бирида жойлашган ўт ўчириш бўлинмаси ана шу тилсиз ёвни бартараф этиш учун туну кун шай ҳолатда туради. Навбатдаги ўқув-амалий машғулоти ёнғин ўчириш командасининг мунтазам шайлигини синовдан ўтказиш учун ташкил этилди.

«Тревога» сигнали чалингач, иккита секциядан иборат ёнғин ўчирувчилар иссиқлик нури, сув, кимёвий моддалар ва жароҳатланиш (шиша синиғи, қурилиш қисмлари парчалари ва бошқалар)дан ҳимоялайдиган махсус жанговар кийимда саф тортди. Газниқоб, ҳимоя аппаратлари тақилган, тасмалар мустаҳкамланган. Шартли объект манзили маълум қилингач, ёнғин тарқалиб улгурмасидан, у ерга зудлик билан етиб борилди.

«Собиров жанговар вазифани бажаришга тайёр!» Ҳарбий хизматчилар бирин-кетин гуруҳ бошлиғига маълумот беради.

Иккита ёнғин ўчириш машинаси ва яқинда Чирчиқ авиация таъмирлаш заводида такомиллаштирилиб ишланган «Entel B» русумидаги зирҳли ўт ўчириш техникаси олов ўчоғига кириб, сув ва ҳаво-механик кўпиги воситасида офатни бартараф этади.

– «ТК-800» услубидаги иссиқлик қайтарувчи костюм атроф-муҳитнинг ҳарорати +200 градус бўлганда 16 дақиқа, +800 градусда 3 дақиқа мобайнида ҳимоялайди. Барча жанговар кийимларимиз ёнғин ўчирувчининг ҳаракат қилиши учун қулай бўлиб, -40 градусдан +200 градусгача ҳароратни сездирмайди, – дейди ўт ўчириш гуруҳи командири сержант Шамшид Жамолов.

Яқинда капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган ушбу ўт ўчириш депосида ҳарбий хизматчилар учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилган. Хизмат хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Ёнғин ўчириш анжомлари тахт, хавфсизлик қоидаларига риоя этишга бирламчи эътибор қаратилади.

Бу ерда муддатли ҳарбий хизматчилар ўз билим ва малакаларини мунтазам равишда ошириб бормоқда. Бу эса олов етказиши мумкин бўлган талафотларни камайтиришга хизмат қилади.

...Жанговар вазифа муваффақиятли адо этилди. Юзларига қувонч инган аскарлар иш қуролларини бутлаб, казармага йўл олади.

**Д. РЎЗИҚУЛОВ**



Муалиф суратга олган

ЧОРЛОВ

## БАЙРАМ ТАЙЁРГАРЛИГИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Ҳадемай Наврўз байрамини нишонлаймиз. Унга ҳозирлик кўришни бошлаб юборганлар ҳам йўқ эмас. Ҳар қандай шодиёна кўнгилдагидек ўтиши учун ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилишни унутмаслигимиз лозим. Қуйида бу борадаги муҳим жиҳатларга эътиборингизни қаратмоқчимиз:

– оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда зарур ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш, теварак-атрофни ёнувчи ва тез алангаланувчи материаллардан тозалаш;

– тадбир давомида шахсий таркибдан ёнғин ўчириш гуруҳи тайинлаш;

– ёнган ўтин қолдиқлари ҳамда чўғларни сув билан ўчириш, кул қолдиқларини хавфсиз жойга кўмиш шарт;

– миллий таомларни қозон ва ўчоқларда тайёрлаш учун тез алангаланувчи суюқликлардан фойдаланиш, жараённи, айниқса ёш болаларни назоратсиз қолдириш, иморатлар, мулк ва ҳарбий техника турган майдончалардан 40 метр яқинида ўт ёқиш, шунингдек, парклар, техника ва анжомларни сақлаш жойларида чекиш ман этилади;

– ёнғин содир бўлса, дарҳол навбатчига ёки зарурат туғилганда, ёнғиндан сақлаш хизматига «101» рақами орқали хабар беринг.

**Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ,**
**Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи**

## КИМ ДУШМАНДАН ХАВФЛИРОҚ?

«UzNews.uz» интернет нашри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 11 ойи ичида юртимизда 10 520 марта ёнғин ҳолатлари қайд этилиб, уларда 255 киши турли даражадаги куйиш жароҳатини олган ва 98 киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳодисаларнинг энг кўпи пойтахтимизда (1 263), Тошкент вилоятида (1 258) ва Самарқанд вилоятида (1 141) содир бўлган.

Ёнғинлар оқибатида миллионлаб сўмлик моддий бойликларга зарар етказилиб, қурбонлар қайд этилмоқда. Илтимос, ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига гувоҳ бўлганда ёки уларга амал қилиш борасида сусткашликка йўл қўйсангиз, юқоридаги рақам шаклланиши ва ўсишига сабабчи бўлишингиз мумкинлиги ҳақида жиддийроқ ўйланг! Огоҳ бўлинг!

Файласуфлардан бири: «Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли Ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади», деган экан.

Келинг, азиз ватандошлар, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан, огоҳ ва сергак ҳолда яшайлик. Зеро, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир.

**Майор Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Жиззах гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи**

ДЗЮДО

# «ТОКИО – 2020»ГА КИМЛАР БОРАДИ?

TOKYO 2020

Франция ва Германияда ўтказилган «Катта Дубулға» турнирларидан сўнг Халқаро дзюдо федерацияси (ХДФ) спортчиларнинг янгиланган Олимпиада рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон дзюдочилари барча вазн тоифасида «Токио – 2020» ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасига эга зонада, улар сафида 7 нафар MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзоси ҳам бор.

Маълумки, дзюдочилар дунёнинг энг йирик мусобақаси – Олимпиада ўйинларига асосан ўзлари жамғарган рейтинг очколари ва бу борада ХДФ ҳисоб-китоб қилиб борган рейтинг жадвалига мувофиқ йўл олишади. Шу боис дунё дзюдо мухлислари февраль ойи мобайнида аввал Франция, кейин Германияда ўтказилган «Катта Дубулға» турнирларини катта иштиёқ билан кузатишди, ўз навбатида, ХДФ томонидан янгидан эълон қилинадиган рейтингни ҳам сабрсизлик билан кутишди.

Ўзбекистон дзюдочилари икки йирик турнирда ҳам муваффақиятли қатнашди. Хусусан, Франция «Accor Hotels Arena» татамиларига чиққан 14 нафар вакилимизнинг 2 нафари совриндор бўлди, қолганлари ҳам нимчорак ва чорак финалгача етиб бориб, ўз рейтинг очколарини бойитди. 15 нафар полвонимиз қатнашган Дюссельдорф «Катта Дубулға»сида эса MVSKнинг икки аъзоси ғолибликка эришди. Дзюдочиларимизнинг бу турнирлардаги муваффақиятлари ХДФ томонидан эълон қилинган янги рейтингда ҳам ўз аксини топди – эндиликда 12 нафар дзюдочимиз Олимпиада йўлланмасига эга зонада.

Таъкидлаш жоиз, «Düsseldorf Grand Slam – 2020» турнири чемпионига айланган MVSK аъзолари Давлат Бобонов (-90 кг) ва Муҳаммадкарим Хуррамов (-100 кг) ўз ҳисобидаги очколарни 888 тага бойитди ва ХДФ рейтингида анча юқори поғонага кўтарилди. Хусусан, Давлат Бобонов аввалги рейтингда 1 701 очко билан 28-ўринда эди, янгисида 11 поғона юқорилаган, яъни 2 589 очко билан 17-ўринда қайд этилган. Муҳаммадкарим эса 6 поғона кўтарилиб, 15-ўриндан жой олган.

## ХАЛҚАРО ДЗЮДО ФЕДЕРАЦИЯСИ

***эълон қилган Олимпиада рейтингида полвонларимиз мавқеи***

**Эркаклар -60 кг:**

1. Рюжу Нагаяма (Япония) – 6 350 очко
4 (3). Шарофиддин Лутфиллаев (Ўзбекистон) – 4 927 (йўлланма зонасида)
22 (22). Диёрбек Ўрозбоев (Ўзбекистон, MVSK) – 1 948 очко (йўлланма зонасида)
40 (40). Кемран Нуриллаев (Ўзбекистон) – 1 077 очко (йўлланма зонасида эмас)

**-66 кг:**

1. Мануэль Ломбардо (Италия) – 5 392 очко
23 (22). Сардор Нуруллаев (Ўзбекистон, MVSK) – 2 080 очко (йўлланма зонасида)
29 (27). Шаҳрам Аҳадов (Ўзбекистон) – 1 561 очко (йўлланма зонасида)

**-73 кг:**

1. Соичи Хашимото (Япония) – 6 379 очко
9 (7). Ҳикматиллоҳ Тўраев (Ўзбекистон) – 3 364 очко (йўлланма зонасида)

**-81 кг:**

1. Маттиас Кассе (Бельгия) – 6 334 очко
14 (12). Шарофиддин Болтабоев (Ўзбекистон) – 2 953 (йўлланма зонасида)
20 (19). Камолиддин Расулов (Ўзбекистон) – 2 244 (йўлланма зонасида)

**-90 кг:**

1. Николоз Шеразадашвили (Испания) – 7 851 очко
17 (28). Давлат Бобонов (Ўзбекистон, MVSK) – 2 589 очко (йўлланма зонасида)

**-100 кг:**

1. Гухам Чо (Ж.Корея) – 5 220 очко
15 (21). Муҳаммадкарим Хуррамов (Ўзбекистон, MVSK) – 2 961 (йўлланма зонасида)

**+100 кг:**

1. Лукаш Крпалек (Чехия) – 6 171 очко
13 (13). Бекмурод Олтибоев (Ўзбекистон, MVSK) – 2 962 очко (йўлланма зонасида)
31 (31). Алишер Юсупов (Ўзбекистон) – 1 428 очко (йўлланма зонасида эмас)

**Аёллар -52 кг:**

1. Юта Абэ (Япония) – 6 250 очко
22 (21). Диёра Келдиёрова (Ўзбекистон, MVSK) – 2 203 очко (йўлланма зонасида)

**-70 кг:**

1. Мария Эве Гахе (Франция) – 5 510 очко
25 (26). Гулноза Матниязова (Ўзбекистон, MVSK) – 2 032 очко (қитъавий квота).

Айни кунда дзюдочиларимиз орасида рейтинги энг юқори полвон Шарофиддин Лутфиллаев бўлиб турибди. Жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби ҳисобида 4 927 рейтинг очкоси мавжуд ва дунёнинг -60 кг вазнли полвонлари орасида 4-ўринни эгаллаб турибди. «Düsseldorf Grand Slam – 2020»даги иштирокини 7-ўринда якунлаб, 260 рейтинг очкоси билан кифояланган спортчимиз аввалги ўрнидан бир поғона пастлаган. Шу вазн тоифасидаги дзюдочимиз Диёрбек Ўрозбоев (MVSK) эса 1 948 очко билан аввалги жойи, яъни 22-ўринда сақланиб қолган ва йўлланмага эга зонада. Ушбу вазн тоифасидаги яна бир дзюдочимиз Кемран Нуриллаев Дюссельдорфда икки нафар рақибини мағлуб этиб, нимчорак финалгача етиб боргани учун ўз жамғармасини 48 очкога бойитган (жами 1 077 очко) бўлса-да, рейтинг жадвалида яна ўз ўрнида – 40-поғонада қолган. Йўлланмага эга бўлиш учун у яна очколар жамғариши, рейтингда 30-ўриндан юқорироққа кўтарилиши лозим. Эслатиб ўтамиз, ХДФ рейтингида бир давлатдан бир вазнда икки нафар ёки ундан ортиқ дзюдочи йўлланма зонасида бўлса, Олимпиадага қайси спортчиси бориш масаласини мамлакат Миллий олимпия қўмитаси ва федерация ҳал қилади.

ХДФ рейтингидаги бугунги ҳолатимиз ёмон эмас. Агар мазкур ҳолат 2020 йил 25 майгача сақланса, барча вазн тоифаси бўйича дзюдочиларимизни «Токио – 2020» ёзги Олимпиада ўйинлари татамиларида кўрамиз. Лекин 25 майга қадар яна 6 та йирик мусобақа ўтказилади ва натижалар ХДФ рейтингидаги бугунги ҳолатга ўзгаришлар киритиши мумкин. Демак, дзюдочиларимизни қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

КУРАШ

# ЯНА БИР ЮКСАК ШАРАФ

Олмалиқ шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзолари ҳам иштирок этди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, мамлакатимиз Кураш федерацияси томонидан Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» спорт мажмуасида ташкил этилган биринчиликда 300 нафардан зиёд полвонлар ғолиблик учун ўзаро беллашди.

Эркаклар ўртасидаги оғир (+100 кг) вазнлилар беллашувларида мухлислар Осиё ва жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби Муҳсин Ҳисомиддиновни (MVSK) ҳам кўришди. Иқтидорли полвон бу сафар ҳам ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Унга финалда шу пайтга қадар дзюдо баҳсларида MVSK спорт шарафини ҳимоя қилган Шерали Жўраев қарама-қарши келди. Икки клубдош ўртасидаги беллашувда тажриба ўз сўзини айтди – Ҳисомиддинов ғолиб чиқди.

«Металлург» спорт мажмуасида кечган кураш биринчилигида спорт мухлислари яна бир машҳур дзюдочимизни олқишлаб, унга мухлислик қилишди. У – халқаро тоифадаги спорт устаси, MVSK ва юртимиз терма жамоаси аъзоси сифатида Осиё чемпионати ҳамда жаҳон кубоги баҳсларида шоҳсупага кўтарилган, «Гран-при» туркумига кирувчи бир қатор халқаро мусобақалар совриндори, халқаро майдонда норасмий жаҳон чемпионати сифатида ҳам баҳоланадиган «Катта Дубулға» туркумига кирувчи «Париж – 2013» халқаро турнирининг ғолиби, давлатимизнинг юксак мукофоти – «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвони соҳиби Яҳё Имомов (-100 кг) бўлди. Олқишлар ўзини оқлади – барча рақибларини мағлуб этган Яҳё Имомов кураш бўйича ҳам «Ўзбекистон чемпиони» деган юксак шарафга муяссар бўлди.



Уч кун кечган биринчилик мобайнида, шунингдек Фурқат Маъруфжонов, Руслан Бўриев, Шермуҳаммад Жандриев, Муҳаммад Жумаев ва Умар Бозоров ўз вазн тоифаси бўйича беллашувлар якунида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар беллашувларида Моҳинур Мўминова, Зарнигор Раҳмиддинова, Ирода Мамашоева, Севинч Исоқова, Шаҳноза Бозорова, Покизахон Камолиддинова, Юлдуз Муҳаммадиева ва Рината Илматова ўз вазн тоифаларида зафар қозонди.

**Саҳифани Расул ЖУМАЕВ тайёрлади.**

БОКС

# БИРИНЧИ ВАЗИФА – 8 ТА ЙЎЛЛАНМА

**Иорданиянинг Амман шаҳрида бокс бўйича Осиё/Океания минтақаси чармқўлқоп усталари учун XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи мусобақа бошланди. Унда юртимиз, жумладан MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзолари ҳам қатнашмоқда.**



XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида 186 нафар эркак боксчи қатнашиб, 8 та вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб боради. Бу баҳслар ҳозирдан, яъни саралаш босқичидан бошланди, десак ҳам бўлади. Африкаликлар февраль ойининг иккинчи ярмида қитъа миқёсидаги саралаш баҳсларини ўтказиб, «Токио – 2020» Олимпиадасига борувчи кучли боксчиларини аниқлаб олишганди. Европа миқёсидаги саралаш босқич жанглари март, Америка минтақасининг саралаш турнири эса апрель ойида ўтказилади. Якуний, яъни жаҳон миқёсидаги саралаш босқич баҳслари Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ)нинг бокс бўйича ишчи гуруҳи қарорига кўра, 13–24 май кунлари Париж шаҳрида ўтказилади ва унда Олимпиада ўйинларига йўлланма олмаган боксчилар сўнгги ҳал қилувчи жангларга киришади.

Аслида ХОҚнинг бокс бўйича ишчи гуруҳи қарорига кўра, Олимпиадага йўлланма берувчи минтақавий саралаш турнирларининг дастлабкиси Осиё/Океания минтақаси вакилларига тегишли бўлиб, у 3–14 февраль кунлари Хитойнинг Ухань шаҳрида ўтказилиши керак эди. Бошланишига яқин қолганда коронавирус сабаб Олимпиада ўйинларига йўлланма турнирларини ташкил этувчи қўмита томонидан мазкур мусобақа бекор қилинди ва у Иорданияга кўчирилиб, 3–11 март кунлари ўтказилиши қатнашчиларга билдирилди. Айни кунда икки қитъа чармқўлқоп усталари иштирокидаги ушбу муҳим турнир жанглари Амман шаҳрида қизғин паллага кирди.

Шуни аввалдан таъкидлаш жоиз, юқорида айтилган ўзгаришлар Ўзбекистон миллий терма жамоаси чарм қўлқоп усталарига бироз ноқулайлик, ортиқча оворагарчиликлар тақдим этди. Хусусан, миллий терма жамоамиз мусобақада қатнашиш учун Хитойга икки ҳафта олдин бориши, ўқув-машғулот йиғини ўтказиши аввалдан режалаштирилганди ва у кучга кириб, боксчи, мураббий ҳамда персоналдан иборат жами 32 нафар делегациямиз Шарқ томон йўлга чиқиб ҳам бўлганди, сўнг... юқоридаги ўзгаришлар.

Марат Қурбонов бош мураббийлигидаги боксчиларимиз Иорданияга 17 февраль куни етиб борди. Юртимизнинг 20 нафардан ортиқ етакчи чармқўлқоп усталари иштирокида ўтказилган ўқув-машғулот йиғинида MVSK аъзолари Миразизбек Мирзахалилов (-57 кг), Шунқор Абдурасулов (-60 кг), Билолбек Мирзараҳимов (-69 кг), Бектемир Меликўзиев (-75 кг), Козим Мардонов (-81 кг) ва Мадияр Саидраҳимов (-91 кг) ҳам иштирок этди. Бир вазн тоифасидагиларнинг ўзаро спарринг жанглари давомида Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийлар штаби Олимпиада йўлланмаси учун курашадиган боксчиларимиз рўйхатини аниқлаб олди. Улар: Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг), Миразизбек Мирзахалилов (-57 кг), Элнур Абдураимов (-63 кг), Бобоусмон Батуров (-69 кг), Фанат Қаҳрамонов (-75 кг), Дилшодбек Рўзметов (-81 кг), Санжар Турсунов (-91 кг), Баҳодир Жалолов (+91 кг).

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, «Барселона – 1992» ва «Пекин – 2008»дан ташқари барча ёзги Олимпиада ўйинларида боксчиларимиз совриндорлар сафидан жой олган. Айниқса, «Рио – 2016»даги муваффақият юқори даражада бўлган – боксчиларимиз 3 та олтин, 2 тадан кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган, терма жамоамиз эса умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаган. XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам боксчиларимиздан шундай муваффақиятларни кутиб қоламиз ва бунинг учун асослар бор. Хусусан, ўтган йили Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида чармқўлқоп усталаримиз 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза, жами 5 та медални қўлга киритишди ва умумжамоа ҳисобида ҳам терма жамоамиз ғолибликка эришди. Вакилларимизнинг бу муваффақиятлари давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳам беэътибор қолдирилмади, боксчилар муносиб тақдирланди. Негизини MVSK аъзолари ташкил этувчи бокс терма жамоамиз мамлакатимиз миқёсида «2019 йилнинг энг яхши терма жамоаси» деб топилди. Демак, «Токио – 2020»да ҳам максимал вазифани уддалаш учун боксчиларимиз биринчи навбатда Иорданиядан 8 та Олимпиада йўлланмаси билан қайтишлари лозим.

Амман шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиё/Океания саралаш турнирида икки қитъа боксчилари Олимпиаданинг жами 41 та йўлланмаси учун курашга киришган. Жумладан, енгил (-52, -57, -63 кг) вазн тоифасидагилар 6 тадан, ўрта (-69, -75, -81 кг) вазнлилар 5 тадан, оғир (-91 ва +91 кг) вазнлилар 4 тадан йўлланма учун жанг қилмоқда.

Қуръа натижаларига кўра, 8 нафар боксчимизнинг 5 нафари баҳсларга иккинчи босқичдан қўшиладиган бўлди. Хусусан, айни кунда -57 кг вазн тоифасида жаҳон чемпиони ҳисобланган MVSK аъзоси Миразизбек Мирзахалилов иккинчи босқичда Акилбек Эсенбек улу (Қирғизистон) / Гаурав Соланки (Ҳиндистон) ўртасидаги жанг ғолибига қарши рингга чиқади. Боксчиларимиз орасида биринчи бўлиб баҳсларни Фанат Қаҳрамонов (-75 кг) бошлаб берди – иорданиялик Осама Мажидга қарши кечган жангда вакилимиз ғалабага эришиб, кейинги босқичга йўл олди. Баҳслар 11 мартга қадар давом этади.

**Р. ЭРМУҲАММАД**

## ШОҲСУПА

*(хабарлар)*



**ТЕННИС.** Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Денис Истомин Коламбусда кечган мукофот жамғармаси 54 160 АҚШ долларини ташкил этувчи турнирда финалга қадар зафар қозониб, ҳал қилувчи баҳсда америкалик Жеффри Волфга 4:6, 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Истомин вице-чемпион сифатида 4,240 доллар ҳамда 48 рейтинг очкосини қўлга киритди ва Халқаро профессионал теннисчилар ассоциацияси (ATP) рейтингида аввалги жойидан 9 поғонага, яъни 156-ўринга кўтарилди. MVSK аъзоси Жўрабек Каримов эса ATP рейтингида 18 поғона юқорилаб, 586-ўриндан жой олган.



**ТАЭКВОНДО.** Олимпиадага йўлланма берувчи Осиё қитъасининг якуний турнири 10-11 апрель кунлари Хитойнинг Уси шаҳрида бўлиб ўтиши керак эди. Ушбу мамлакатда тарқалган вирус сабабли мусобақа Иорданиянинг Амман шаҳрига кўчирилди. Унда ўзбекистонлик уч нафар таэквондочи қатнашади. MVSK аъзоси Никита Рафалович эса рейтинг очколари орқали «Токио – 2020» йўлланмасини қўлга киритиб бўлган.



**ДЗЮДО.** Туркияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Европа очиқ кубоги баҳсларида ҳамюртимиз Абдулла Тўхтамишов (+90 кг) барча рақибларидан устун келиб, шоҳсупага кўтарилди ва мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. Энг оғир вазн тоифасида курашган Тўхтамишов финалга қадар грузиялик Бачуки Пейкришвили, озарбайжонлик Атабаба Нифталиев, грузиялик Шалва Гурешидзени мағлубиятга учратди. Чемпионлик учун кечган финал беллашувида эса россиялик Денис Батчаевдан устун келди.



**ВЕЛОСПОРТ.** Германиянинг Берлин шаҳри мезбонлик қилган велотрек бўйича жаҳон чемпионатининг омниум йўналишида ҳамюртимиз Ольга Забелинская иштирок этди. Омниум – велотрекнинг кўпкураш йўналиши бўлиб, унда иштирокчилар кун давомида тўрт бор стартга чиқади. Ғолиб ҳар бир йўналиш бўйича жамғарилган очколар йиғиндисига кўра аниқланади. Кескин ва муросасиз кечган пойгаларда юртдошимиз 4-ўринни эгаллади. У бронза медаль соҳибидан атиги 2 очкога ортда қолди.



**ПРОФЕССИОНАЛ БОКС.** Ҳамюртимиз Исроил Мадримов АҚШнинг Техас штатида ўзининг 5-жангини ўтказди. Унга венесуэлалик Чарли Наварро (29-10-0) рақиблик қилди. Ўн раундга мўлжалланган жанг муддатидан олдин якунланди – 6-раундда боксчимиз рақибини нокдаун ҳолатига туширди, бир неча сониядан сўнг кучли зарба эвазига рингга қулатди ва ўзининг 5-нокаутли ғалабасига эришди. Ушбу муваффақиятдан сўнг Мадримов WBA Regular камари учун биринчи рақамли даъвогарга айланди.



**ФУТБОЛ.** Ўзбекистон миллий чемпионатининг Суперлига баҳсларига старт берилди. Биринчи тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» – «Навбаҳор» – 2:1, «Локомотив» – «Андижон» – 2:1, «Қўқон-1912» – «Бухоро» – 3:0, АГМК – «Металлург» – 1:1, «Машъал» – «Сўғдиёна» – 3:0, «Қизилқум» – «Насаф» – 1:3, «Сурхон» – «Бунёдкор» – 1:3.

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИ

# ҲИНДИСТОН ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

**Ҳиндистон Қуролли Кучларининг сон жиҳатидан йирик турларидан бири ҳисобланувчи Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК) зиммасига юкланган асосий вазифалар қаторига Қуруқликдаги қўшинлар ва Ҳарбий денгиз кучларини бевосита авиацион қўллаб-қувватлаш, ҳавода устунликни эгаллаш, давлат ҳудуди, турли қўшин гуруҳлари, муҳим маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-саноат объектларининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қилинишини таъминлаш, десант тушириш, ҳаво разведкасини амалга ошириш, қўшин, жанговар техника ва бошқа турдаги юкларни тегишли жойга етказиш ва ҳ.к.лар киради.**



Умумий сони 140 минг кишидан иборат бўлган бу турдаги қўшинлар жанговар ва ёрдамчи авиация, шунингдек, ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларидан ташкил топган. Ўз навбатида, жанговар авиация – қирувчи-бомбардимончи, қирувчи ва разведка қисмларига, ёрдамчи авиация – транспорт, ёқилғи қуювчи, алоқа, узоқ масофаларда радиолокацион аниқлаш ва бошқарув, учувчисиз учиш аппаратлари ва ўқув қисмларига, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари эса зенит-ракета ва радиотехник қисмларга бўлинади.

Қўшинга ҲҲК штаби бошлиғи раҳбарлик қилади. Мазкур лавозимга бош авиация маршали (эквивалент – генерал-полковник) ҳарбий унвонига эга бўлган юқори тоифали офицер тайинланади. ҲҲК штаби бу турдаги қўшинларнинг асосий бошқарув органи бўлиб, жанговар шайлик ва жанговар қобилиятни талаб даражасида сақлаш, қўшинни ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури, авиация ва ҳаво ҳужумидан мудофаа кучларини жанговар қўллаш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, оператив ва жанговар тайёргарлик, қисм ва бўлинмаларни авиация ва бошқа техника билан таъминлаш, шунингдек, техник ва фронт орти таъминоти масалаларига масъул ҳисобланади.

Ҳиндистон Ҳарбий ҳаво кучлари ташкилий жиҳатдан бирлашмалар (авиацион қўмондонликлар – Марказий, Ғарбий, Жануби-ғарбий, Жанубий ва Шарқий, шунингдек, моддий-техник таъминот ва ўқув қўмондонлиги), қўшилмалар (авиақанотлар, ҳаво ҳужумидан мудофаа секторлари) ҳамда қисмлар (авиация эскадрильялари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа эскадрильялари), авиатаъмирлаш корхоналари ва ўқув муассасаларидан иборат. Жами ҲҲК таркибида 20 та жанговар ва 22 та ёрдамчи авиация авиақанотлари мавжуд. Эскадрильялар жанговар таркибига қирувчи-бомбардимончи, қирувчи ва разведка самолётлари, ёрдамчи авиация таркибига эса транспорт, ёқилғи қуювчи, узоқ масофаларда радиолокацион аниқлаш ва алоқа самолётлари киради. Бундан ташқари, вертолёт, учувчисиз учиш аппаратлари, бошқарилувчи зенит ракеталар ва радиотехник эскадрильялар ҳам ташкил этилган. ҲҲК ривожланган инфратузилмага эга бўлиб, унинг таркибида 57 та авиация базаси ҳамда 150 дан ортиқ аэродром бор.

Қўшин ихтиёридаги жанговар авиация таркибидан «Ягуар» ISIM, МиГ-27, турли модификациядаги Су-30МКИ, МиГ-21, МиГ-29, «Мираж-2000», «Теджас» Mk 1 типидаги қирувчи ва қирувчи-бомбардимончи, С-17 «Глоубмастер», С-130J «Супер Геркулес», Ил-76, Ан-32, HS-748 «Авро» ва бошқа типдаги ҳарбий транспорт,



ёқилғи қуювчи, ўқув, узоқ масофаларда радиолокацион аниқлаш ва алоқа самолётлари, шунингдек, Ми-35 русумли зарбдор, Ми-8, Ми-17, Ми-26, «Дхрув», «Четак» типидаги транспорт вертолётлари ҳамда «Сёрчер» ва «Герон» типидаги учувчисиз учиш аппаратлари жой олган. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари узоқ ва ўрта масофаларга мўлжалланган С-125 «Печора», «Акаш» ва «Оса-АКМ» типидаги зенит-ракета комплекслари, шунингдек, «Игла» типидаги кўчма зенит-ракета комплекслари билан таъминланган *(инфографикага қаранг)*.

Ҳар йили ҲҲК штаби ва бирлашмаларнинг бошқарув органлари томонидан 20 га яқин турли миқёсдаги ҳарбий машқлар ҳамда 150 дан ортиқ оператив ва жанговар тайёргарлик тадбирлари ўтказилади. Учувчилар ва техник таркиб тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади. Жанговар авиация учувчиларининг ўртача учиш миқдори йилига 220 соатдан зиёд вақтни ташкил этади. Бунда ҳавода жанг олиб бориш, ердаги нишонларга ракета-бомба зарбалари бериш кўникмалари пухталанади, шунингдек, самолётларни автомобиль йўлларидан учириш ва қўндириш услубияти ўзлаштирилади.

Ҳиндистон Ҳарбий ҳаво кучларини бутлаш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда ҳарбий хизматга танлов офицерлар учун ҳарбий ўқув юртлари – Миллий ҳарбий академия (ўқиш муддати 3 йил) ва ҲҲК академиясида (2 йил) ўқиш орқали; кичик командирлар ва оддий аскарлар таркиби учун эса мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб жойлашган доимий ёллаш пунктлари тизими орқали ўтказилади.

2027 йилгача мўлжалланган ривожланиш режаларига мувофиқ, авиацион қўмондонликларнинг ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш, жанговар ва таъминот кучлари ҳамда воситаларини бошқариш тизими ривожини янада тезлаштириш, ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари салоҳиятини ошириш ва аэродром инфратузилмасини такомиллаштириш кўзда тутилган. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ҳар йили 8 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратиш режалаштирилган.

Биринчи навбатда жанговар авиация, шунингдек, ёрдамчи ва ўқув қисмлари миқдорини ошириш, шунга боғлиқ ҳолда замонавий авиатехника, шу жумладан кўп мақсадли Су-30МКИ, «Рафаль» ва «Теджас» типидаги қирувчи ва бошқа турдаги самолётлар, шунингдек, турли типдаги вертолётлар ва зенит-ракета комплексларини харид қилиш дастури амалга оширилишини тезлаштириш, «Брамос» типидаги қанотли ракета синовларини якунига етказиш, ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмларини замонавий радиолокация станциялари билан таъминлаш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунга келиб Ҳиндистон Ҳарбий ҳаво кучлари мамлакатнинг миллий манфаатларини таъминлаш борасидаги кенг кўламли вазифаларни амалий ҳал қилиш имконини берувчи юқори жанговар салоҳият ва қудратга эга.

**Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.**

## ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

**Умумий сони – 140000 киши**



*Жанговар самолётлар* – 820 та (Су-30МКИ, МиГ-21, МиГ-29, «Мирас200», «Теджас» Mk 1 ва ҳ.к.)



*Ёрдамчи авиация самолётлари* – 390 (С-17 «Глоубмастер», С-130J «Супер Геркулес», Ил-76, Ан-32 HS-748 «Авто» ва ҳ.к.)



*Жанговар вертолётлари* – 90 та (Ми-35, Ми-8, Ми17 ҳ.к.)



*Транспорт вертолётлари* – 350 та (Ми-26, «Дхрув», «Четак» ва ҳ.к.)



*Учувчисиз учиш аппаратлари* – 40 та («Сёрчер» ва «Герон», типдаги)



*Зенит-ракет қурилмалари* – 270 та (С-125 «Печора», «Акаш», «Оса-АКМ»)

ЖАҲОНДА

## ТЎЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ



Европанинг ғарбий қисмида жойлашган кичик давлат – Люксембург жамоат транспорти мутлақо бепул бўлган биринчи ҳозирча, ягона мамлакатга айланди. «29 февралдан бошлаб мамлакатнинг бутун ҳудудида жамоат транспортидан фойдаланиш бепул амалга оширилади», деб хабар қилади MSN News. Экспертлар ҳисоб-китобига кўра, тўловнинг бекор қилиниши автомобиль йўлларининг юкланганлик даражасини пасайтиради ва ҳар бир оилага йилига 100 евро атрофида даромад келтиради. Таъкидлаш жоизки, ҳар куни Люксембургга ишлаш учун Бельгия, Франция ва Германиядан кўплаб фуқаролар келиб туради.

## ЯНА РАКЕТА СИНОВЛАРИ



Шимолий Кореяда яна «номаълум ракеталар» синови амалга оширилди. Ушбу синов 2020 йил ҳисобидан биринчиси ҳисобланади. «Интерфакс» маълум қилишича, мамлакат ҳарбийлари томонидан жами иккита снаряд учирилган.

Жанубий Корея штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси маълумотига кўра, ракеталар Вонсон шаҳри яқинидан учирилган, бироқ янги қуролнинг тури ва парвоз баландлиги аниқ эмас. 2019 йилда Пхеньян томонидан жами 13 марта ракета синови ўтказилган бўлиб, энг охирги синов ноябрь ойида амалга оширилган.

## САЙЁҲНИНГ ОМАДИ КЕЛДИ



Флорида ўрмонларида камалак рангидаги ноёб судралиб юрувчи топилди. Бу турдаги илон сўнгги марта Флоридада бундан деярли 60 йил олдин учратилган эди. Окала миллий қўриқхонасига ташриф буюрган сайёҳ Трейси Каутен ўрмонда айланиб юрганида узунлиги деярли 120 см.га яқин бўлган ана шу ноёб илонга дуч келган ва уни суратга олишга муваффақ бўлган. Мутахассислар таъкидлашича, камалакранг илон заҳарли эмас ва инсон учун мутлақо хавфсиз ҳисобланади. АҚШ Табиий тарих музейи ходимлари маълумотига кўра, мазкур қўриқхонада бу турдаги илон билан дастлабки учрашув 1969 йилда қайд этилган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

# КЎРИНМАС ЖАНГОВАР САМОЛЁТЛАР

## «Стелс-технология»сига асосланган инновацион учиш аппаратлари

Ҳозирги вақтда етакчи хориж мамлакатларида «стелс-технология» асосида бешинчи авлод жанговар самолётлари ва масофадан мустақил бошқариладиган учувчисиз учиш аппаратларининг ривожланиши қизғин давом этмоқда. Чунки бундай аппаратлар жанговар ҳаракатлар олиб бориш вақтида шахсий таркиб орасидаги йуқотишларни камайтириш, бўлинмаларнинг жанговар имконият самарадорлигини ошириш, уларга зарур қурол-аслаҳа ва юкларни етказиб бериш, йўллар ва ҳудудларни разведка қилиш ҳамда ахборотни ўз вақтида онлайн режимида қўмондонликка етказиш, шунингдек, душманнинг объект ва қўшинларига қаратилган аниқ зарбани амалга ошириш имконини беради.

Қуйида «стелс-технология» асосида яратилган жанговар самолётларнинг баъзилари билан танишасиз.

### F-22 Raptor – Йиртқич бургут

АҚШ Қуролли Кучлари ва унинг иттифоқчиларида мавжуд бўлган мазкур жанговар самолётни ишлаб чиқариш 2001 йилда бошланган бўлиб, 2014 йил Яқин Шарқдаги қуролли можароларда аниқ зарба бериш мақсадида илк бор жанговар қўлланилган. Тахминан 103 млн доллар турадиган ушбу кўп мақсадли қирувчи жанговар самолётнинг 40–60 фоизи полимер композит материаллардан ташкил топган бўлиб, радиолокацион тўлқинларни ўзига сингдириш ҳисобига «кўринмас» ҳисобланади.

### B-2 Spirit – Руҳ, Шарпа

АҚШнинг яна бир оғир ва кўринмас жанговар стратегик бомбардимон самолёти B-2 Spiritнинг баҳоси қарийб 1,16 млрд доллар. Жанговар имконияти 16 та атом бомбаси ёки лазер нури орқали бошқариладиган 8 та, оғирлиги 907 кг ёки 80 та 227 кг калибрли бомбаларни амалда дунёнинг истлган нуқтасига етказиб ташлаши мумкин. Максимал даражада автоматлаштирилган «шарпа»нинг учиш узоқлиги 11 000 км бўлиб, экипажи 2 кишидан иборат.

Ушбу жанговар бомбардимон самолёт биринчи марта 1998 йил ноябрь ойида АҚШнинг Калифорния штатида намойиш этилган. Жами 21 дона ишлаб чиқилган бу самолётнинг ҳар бирига АҚШнинг штатлари номлари берилган. 1999 йил Югославия давлатида биринчи маротаба жанговар қўлланилган.

### F-35 Lightning II – Яшин

Кўп мақсадли ва универсал F-35 Lightning II жанговар самолёти АҚШ Қуролли Кучлари ва унинг иттифоқчиларида мавжуд. Таҳлилларга кўра ушбу жанговар самолёт душманнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимининг радиолокацион воситаларига халақит бериш ва бостиришга мўлжалланган бўлиб, бешинчи авлод самолётларига қўйилган талабларни тўлақонли бажара олади ва манёврчанлиги билан бошқа турдаги жанговар самолётлардан ажралиб туради.

### Су-57

Россияда ишлаб чиқарилган мураккаб манёврларни (вертикал, горизонтал, товуш тезлигидан юқори ва товуш тезлигидан паст тезликларда) бажара оладиган Су-57 радиотўлқинларни ўзига сингдириш ва кам тарқатиш ҳисобига кўринмайдиган бешинчи авлод жанговар самолётлари таркибига киради. Ушбу кўп мақсадли жанговар самолёт Россия Ҳаво космик кучлари таркибида қўлланилмоқда. Жанговар самолётнинг 70 фоиз қопламаси полимер композит материаллардан яратилганлиги боис бошқа шу каби самолётлардан фарқ қилади. Конструктив массаси тўрт маротаба туширилган.

### Chengdu J-20 – Қудратли аждарҳо

Мазкур бешинчи авлод кўп мақсадли жанговар самолёти Хитой Ҳарбий ҳаво кучлари таркибида 2019 йилдан қўлланилмоқда. АҚШнинг F-22 ва F-35 ҳамда Россиянинг Су-57 жанговар самолётларига ўхшаган бу учиш аппаратининг учиш техник тавсифлари махфийлигича қолмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг маълумотига кўра, Chengdu J-20 РФда яратилиб, унда АЛ-31ФН мотордан фойдаланилган. Экипаж бир киши, учиш узоқлиги – 5 500 км жанговар радиуси 2 000 км, амалий учиш баландлиги 20 000 км, максимал учиш оғирлиги 36 300 кг.



Су-57 РФ

ТАҚҚОСЛАНГАН УЧИШ-ТЕХНИК ТАВСИФЛАРИ



F-22 «Raptor»

| | | |
|---|---|---|
| 1,7-1,8 мах..... | Крейсер тезлиги | .....1,7 мах |
| 2,45 мах..... | Максимал тезлиги | .....2,5 мах |
| 2 000 км..... | Учиш узоқлиги | .....2 000 м |
| 20 000 м..... | Амалий учиш баландлиги | .....20 000 м |
| 37 000 кг..... | Максимал учиш оғирлиги | ..... 38 000 кг |
| 100 000 000$..... | Баҳоси тахминан | .....103 000 000$ |

**Бешинчи авлод жанговар самолётларининг асосий хусусиятлари:**

- радиолокацион ва инфрақизил нурлар таъсирига кўринмаслик ва пассив методлар ёрдамида маълумотларни тўплаш ҳамда яширин режимларининг оширилганлиги;
- кўп мақсадли, яъни ер, ҳаво, денгиз усти ва ости нишонларига талафот етказишда юқори жанговар самарадорлиги ва жанговар потенциалининг юқорилиги;
- ахборот тизимининг юқори шайлиги;
- форсаж режимини қўлламасдан товуш тезлигидан тез учадиган ва юқори манёврчан бўлиши;
- турли шароитларда нишонларга талафот етказиш ва яқин ҳаво жангларида ҳамда узоқдаги нишонларга юқори аниқликдаги қурол-аслаҳаларни қўллаш устуворлиги;
- тактик вазифаларни бажаришдаги бошқариш тизими автоматлаштирилганлиги.

**Фармон ЎРИНОВ,**
**Қуролли Кучлар академияси**
**Ҳарбий санъат кафедраси**
**катта ўқитувчиси, доцент**

МИНТАҚАДА

### ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ



1 март куни Тожикистонда парламент қуйи палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Овоз бериш жараёни мамлакатда ташкил этилган 3 минг 450 та сайлов участкасида, шу жумладан хориждаги 30 та элчихона ва консулхонада бўлиб ўтди. Бу 1997 йилда Тинчлик битими имзоланганидан кейинги Тожикистонда ўтказилган бешинчи парламент сайловидир. Мавжуд еттита партия томонидан кўрсатилган 238 номзод парламент қуйи палатасидаги 63 та ўрин учун кураш олиб борди. Тахминларга кўра, энг кўп мандатни Президент Эмомали Раҳмон бошчилигидаги Тожикистон Халқ демократик партияси қўлга киритади.

### ЭНГ ХАРИДОРГИР АВТОМОБИЛЬ



Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган «Ravon NEXIA R3» Қозоғистонда энг харидоргир енгил автомобилга айланди. «Ўзавтосаноат» концерни матбуот хизмати хабарига кўра, ўтган ойда қўшни мамлакатда ушбу русумдаги автомобилдан 449 та сотилган. Бу эса сотувларнинг 2019 йилнинг сўнгги ойларига нисбатан 20 фоизга ошганлигини билдиради. 2019 йилда Қозоғистонда жами 3 536 та «Ravon NEXIA R3» сотилган. Маълумотларга кўра, Олмаота шаҳридаги автосалонларда «R3» модели 3 469 000 тенге (ҳозирги курс бўйича 86 725 000 сўм)дан 4 199 000 тенге (104 975 000 сўм)гача бўлган нархда сотилмоқда.

### МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ



Қирғизистон ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лилия Бурунчук билан учрашди. Томонлар Европа Иттифоқи – Марказий Осиё I Иқтисодий форумига тайёргарлик масалалари ва банк томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар бўйича амалга ошириладиган ишларни оптималлаштириш чоралари, шунингдек коронавирус тарқалиши билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди. Жаҳон банки ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Қирғизистонга коронавирусдан ҳимояланиш бўйича амалий ёрдам кўрсатишга тайёрлиги маълум қилинди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

НУҚТАИ НАЗАР

# ЕТТИ МЎЪЖИЗАГА ТЕНГ УЛУҒЛИК

## ёхуд китобнинг қиймати

Атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафутдинов дунёдаги етти мўъжизага таъриф берар экан: «...етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. Бу мўъжиза – китоб», деган эди. Ҳа, китоб инсон тафаккурининг чинакам мўъжизаси. У бизнинг ҳаётни тушунишга хизмат қилувчи кўзгумиз, саодат эшикларини очувчи калитимиз. Аслида ҳам китобнинг катта-ю кичик учун қадрли эканлиги мана шу мезонлар билан ўлчанади. Муқаддас китобларда инсонларнинг бир-бирига қиладиган тортиқ ва совғалари ичида энг аълоси китобдир, дея лутф қилиниши ҳам шундан. Зеро, китобдан илм олишнинг лаззатини, қийматини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

*Ривоят қилишларича, қадимда бир йигит илм олишни мақсад қилиб, илмфан маркази бўлган Бағдод шаҳри сари йўл олибди. Шаҳарда катта бир мадрасада беш йил таҳсил олибди. Беш йилдан сўнг ҳамма китобларни қопларга жойлаб эшакка ортибди-да, уйига равона бўлибди. Узоқ йўл юриб уйига яқинлашганда катта бир ариқдан ўтаётиб эшак бир силкинибди-ю, қопдаги ҳамма китоблар сувга оқиб кетибди. Йигит афсус-надомат билан йўлида давом этибди. Уни уйдагилар хурсандчилик билан қарши олибди. Кечки овқатдан сўнг отаси: «Қани, ўғлим, шунча йил мадрасада ўқидинг. Энди билимингни бир синаб кўрайлик», деб унга ҳар хил мавзуларда савол бера бошлабди. Йигит отасининг ҳеч бир саволига жавоб беролмабди. Отаси бунинг боисини сўраганда йигит: «Отажон, мен йўлда ҳамма китобларимни сувга оқизиб қўйдим», дебди мулзам бўлиб. Шунда отаси: «Афсус, сенинг беш йиллик умринг сувга оқибди. Агар сен китобдаги илмни миянгга сингдирганингда эди, шунча умринг зое кетмаган бўларди», дебди надомат билан. Отасининг бу гапидан таъсирланган йигит эртасигаёқ Бағдодга қайтиб кетибди ва яна беш йил ўқиб, буюк аллома даражасига кўтарилган экан.*

Бу бир ривоят бўлса-да, лекин унинг замирида улкан ҳақиқат мужассам. Китоб ўқиган, ўқиганда ҳам ундаги илмни уққан инсоннинг ҳар соҳада имконияти кенгроқ бўлиши бор гап. Бундай кишилар билимли, закий деган мақомга эга бўлиб, улуғ мартабага эришадилар. Олимлар, файласуфлар, қўйингки, барча зиёли кишилар китобга кучли меҳр қўйгани туфайли ҳам шу даражага етишган. Улар ақлни пешламоқда, китобга тенг келадигани йўқлигини билган ҳолда мутолаани ҳаётининг мазмуни деб билганлар. Файласуф Дидронинг «Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар», деган пурмаъно фикри китоб ортидан буюкликка эришган ана шундай инсонларнинг ҳаётий шиори бўлган, десак адашмаган бўламиз.

### ЭЛЕКТРОН КИТОБЛАР ҚАНЧАЛИК ҚУЛАЙ?

Техника асрида яшаяпмиз. Айнан мана шу асрга келиб ҳаётимизга «электрон китобхонлик» деган атама кириб келди. Чунки китобларнинг электрон шакли яратиляпти ва оммалашяпти. Бу эса китоб ўқишни хуш кўрувчилар учун янги имконият деганидир. Хўш, электрон китобхонликнинг қулайлиги нимада, афзаллиги-чи? Бир гал ҳамкасб курсдошлар даврасида бўлганимда мана шу саволларга жавоб изладим.

– Китобларнинг электрон шаклда нашр этилаётгани мен учун айни муддао бўлди, – деб хурсанд бўлиб сўзлади бир дугонам. – Чунки вақтим жуда тиғиз бўлгани учун китоб дўконларига боролмаяпман. Лекин китоб ўқиш жону дилим. Энг биринчи бўлиб Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобини электрон шаклда ўқиб чиққандим. Яқинда Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат», ва «Алвидо, Гулсари» асарини ҳам мутолаа қилиб чиқдим. Электрон китобхонлик ўқувчи учун жуда қулай. Чунки сиз уйда, ишда ва жамоат транспортида юрганда ҳам қўл телефонингиз орқали бемалол мутолаа қила оласиз.

– Яқинда анчадан бери қидириб юрган адабиётнинг электрон шаклини топиб ўқидим, – деди яна бир курсдошим. – Билмадим, негадир ўқиганимдан завқланмадим. Компьютер мониторига тикилавериб, кўзларим чарчаб кетди. Охири китобнинг аслини топиб, қайтадан мутолаа қилдим. Барибир китобнинг ўзини қўлга олиб ўқишнинг гашти бошқача. Китобнинг ҳиди, қоғозининг шилдирашиям кишига ўзгача ҳузур бағишлайди. Табиийликка нима етсин...

Ҳуллас, ҳар ким мавзу борасида ўз фикрини айтди. Уларнинг сўзлари нечоғлик тўғри ёки нотўғри деб айтолмаймиз. Келинг, яхшиси, навбатдаги суҳбатдошимизнинг фикрига қулоқ тутамиз.

– Тарихдан яхши маълумки, кўҳна заминимизда қадимдан китобхонлик ривожланган. Юртимизда бугун ёшларни китоб ўқишга жалб қилиш борасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари замирида ҳам ана шу тарихий анъанани қайта тиклашдек улуғвор мақсад ётибди, – дейди биз билан суҳбатда Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шукур Қурбон. – Электрон китобхонлик ва китобнинг ўзидан ўқишни яхши кўриш бу – ёш ва замон билан боғлиқ. Чунки ёши катта инсонлар учун китобнинг ўзини ўқиш мароқли. Бугунги ёшлар эса техника асрининг фарзандлари. Улар телефон, компьютер билан тиллашади. Шунинг учун уларга китоб ўқишдан кўра электрон мутолаа қилиш яхши. Китобхонлар китобни қандай шаклда ўқияпти, бунинг нима фарқи бор? Энг асосийси, улар китоб ўқияпти! Бу бизнинг ютуғимиз. Юртимизда китобхонликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бераётганидан далолатдир бу.

Анча йиллар олдин шундай тўртлик ёзгандим:

*Қўплар китоб ўқимай қўйган,*
*Ўқиганлар ҳам уқмай қўйган.*
*Балки қўплар тўйган китобга,*
*Балки китоб кўплардан тўйган.*

Бугун бу тўртлик ҳаётимизга мос келмай қолди.

Электрон китобхонликнинг яна бир афзаллиги ҳақида тўхталмоқчиман. Шундай асарлар борки, кутубхоналарда унинг фақат биргина нусхаси сақланиб қолган. Шулардан бири ўн олтинчи асрда яшаб ижод қилган мусиқашунос Дарвиш Али Чангийнинг «Рисолаи мусиқий» асаридир. Уни олимлар мусиқа тарихига оид энг гўзал ва мукаммал асар, дея баҳолашади. Шунинг учун у бугунги кун учун ҳам долзарб. Шундай экан, бундай асарлардан ҳамма баҳра олиши керак. Китобнинг электрон нашри ўқувчилар учун ана шундай имконият яратяпти.

Яқинда интернет нашрларидан бирида бу ҳақда шундай маълумот ўқиб қолдим. Халқаро тадқиқотлар ва сўровларда ривожланган мамлакатларда интернетдан фойдаланувчилар сони қанчалик ошаётган бўлса, китоб сотиб олиш ва китобхонлик ҳам худди шунга мос равишда ўсаётгани айтилибди. Бу эса китобнинг мўъжизавий куч-қудрати олдида интернетдек замонавий ва қулай восита ҳам ожиз эканлигини кўрсатади.

### «БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ»

...Якшанба куни эди. Ҳаво анча совуқ. Кечга яқин бозорга тушдим. Рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиб ортга қайтар эканман, шундоқ бозорнинг чиқиш эшиги ёнида мева сотиб ўтирган аёл диққатимни тортди. У тиззасида ўтирган беш-олти ёш чамасидаги қизчасини маҳкам бағрига босганча унга китоб ўқиб берарди! Китоб ушлаган, оғир меҳнатдан тарам-тарам ёрилиб кетган қўллари совуқдан қизариб кетган ҳолатда ҳам меҳр билан мутолаа қилаётган аёл! Китобнинг қимматини тушунган ва буни фарзандига ҳам тушунтираётган маърифатли аёл! «Вақт топса бўлар экан-ку?!» Вужудимда алланечук ҳислар жўш ура бошлади. Бу нотаниш аёлга ҳурматим ошди. Маҳаллада ҳуда-беҳуда эртадан кечгача ҳовлида ўтириб гап сотадиган, китоб ўқишни тавсия қилсангиз, «бола-чақадан ортиб китоб ўқишга вақт қаёқда», деб ўзини оқлайдиган аёллар кўз олдимда гавдаланди. Кўнглимни ғашлик эгаллади. Аслида бола-чақанинг ташвишини қиладиган аёл қандай бўлади? Улар боласининг камолоти учун жон куйдириши, қайғуриши, «китоб – барча муваффақиятлар калити» эканлигини англаган ҳолда фарзандини китобга меҳр қўйдириши, бунинг учун энг аввало, ўзи уларга ўрнак бўлиши лозим эмасми? Рўпарамда мен ана шундай миллат оналари, аёллари сиймосини кўрдим. У шу ўтиришида гўёки борлиқни унутганча шеър ўқирди:

*Осмонларда юрганлар,*
*Олтин сарой қурганлар,*
*Не, берай, деб турганлар,*
*Болага китоб беринг!*

*Бола оққуш оқ каптар,*
*Дунёлардан бехабар,*
*Ёвузлик топмай хабар,*
*Болага китоб беринг!*

*Қинғир йўлга кирмасдан,*
*Пешонага урмасдан,*
*Кимдир пичоқ бермасдан,*
*Болага китоб беринг!..*

**Майор**
**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА**

# ТАСАВВУРДА ТУҒИЛГАН ЭРТАК

*(ҳикоя)*

*«Буюк ишлар албатта, майда ишлардан бошланади».*
*Суқрот*



Бу олам катта-кичик, гоҳ бир-бирига ўхшаш, гоҳ мутлақо ўхшамайдиган мазмунли, мазмунсиз, жилди ялтироқ, ичи қалтироқ, баъзи бирлари эса кичкинагина бўлса-да, ғиж-ғиж ҳикматга тўлган, суратли-суратсиз китоблардан иборат эди.

Ёзилиб босмадан чиққандан буён бирор маротаба варақлаб кўрилмасдан, сарғайиб чанг босган, айримлари эса ўқилавериб, титилиб кетган... Бир хил китоблар шунчалик машҳур эдики, одамлар уларни қўлдан қўймай, авайлаб-асрашарди. Айримлари ҳашаматни ўлгудек севишарди. Ўзларига ҳам роса зеб берилган бўлиб, улар ҳашамдор хонадонларгагина насиб этарди.

– Мен буюкман, жуда ҳам буюкман! – дерди семиз бир китоб манманлик билан.

Унинг ёнида турган озғинроғи эса:

– Кўрмаяпсизларми, мен буюклар билан бир қаторда турибман, – дея гердаярди.

– Дунёдаги ҳар бир сўзнинг мағзини чақа оламан, – мақтанарди бошқа бири.

Улар билан ёнма-ён эса ғаройибгина бир китоб қимтинибгина яшарди. У дўстларининг мақтанчоқлигидан ҳайратланар, ўзининг кўп сирларни билмаслигидан ўкинарди.

– Намунча ўзларингга бино қўймасаларинг? – дерди у баъзида мақтанчоқ дўстларига.

– Сен нимани ҳам тушунардинг? – дерди улар жавобан кибрланиб.

...Кунларнинг бирида кутубхона деб аталмиш бу дунёга калтабин бир киши келиб, ҳукмронлик қила бошлади. Энг даҳшатлиси, у китобларни ўқимас, ўқиганда ҳам мазмунини мутлақо тушунмасди. Ғилофли суратлари бўлган ҳашаматли китобларга ғурур билан қараб-қараб қўяркан, бир четда қимтинибгина турган ўша китобни қўлига олди. Сўнг у ёқ-бу ёғини варақлаб, бир неча саҳифани аёвсиз йиртди.

– Оҳ, – унга қўшилиб бошқа ақлли китоблар ҳам дод солиб юборишди, – шундай китобни йиртса-я?!

– Зўр бўлди! – севиниб чапак чалишди кибр-ҳавога тўла китоблар.

Калтафаҳм ҳукмдор қўлидаги саҳифалар билан китобларнинг чангини арта бошлади.

– Бопладингиз! – ўз хўжайинларини кўкларга кўтариб мақтай бошлашди улар. Мақтовлардан ийиб кетган бу кимса дунё деразасини очиб, қўлидаги китобни йиртиб, саҳифаларни тақдир шамолига топширди...

Бу мудҳиш лаҳзаларни эса ўша калтафаҳм киши қўлидан омон қолган ҳақиқатгўй бир китоб, «тарих» деб аталмиш варақларнинг қоқ ўртасига ёзиб қўйди...

**Маягўзал ЧОРИЕВА**

# Bolajon

## YURTIMDA BAHOR



Dilim quvnab ketar kelganda bahor,
Bog‘lar ham bahorni sog‘ingan bedor,
Zaminga yashillik kelgandek nahor,
Yurtim, ko‘klam fasling bo‘lsin muborak!

Tog‘lardan tushadi oqib sharshara,
Yalpizlar bo‘y cho‘zar yashil manzara,
Qushlar chug‘urlashar, ey do‘stim, qara,
Yurtim, ko‘klam fasling bo‘lsin muborak!

Mudroq kurtaklar ham uyg‘onar bunda,
Dalada chechaklar sakrashar bir-bir,
Bayram-u ayyomlar ko‘payar elda,
Yurtim, ko‘klam fasling bo‘lsin muborak!

Bog‘larda bolari uchadi g‘ujg‘on,
Bolajonlar varrak uchirar shodon,
Tongda xonish aylar bulbullar xandon,
Yurtim, ko‘klam fasling bo‘lsin muborak!

Quyosh ham boshqacha sochadi nurin,
Dehqonlar dalaga shoshadi bugun,
Qirlarda lolalar cho‘zadi bo‘yin,
Yurtim, ko‘klam fasling bo‘lsin muborak!

Dilim yayrab ketar kelsa gar bahor,
Borliq ham bahorda bo‘lar maftunkor,
Jannatdan bir nishon aslida bahor,
Yurtim, ko‘klam fasling bo‘lsin muborak!

**Sh. PARXADOVA**

## MARVARIDGUL

Bugun bayram. Oydin oyijonisini nima bilan xursand qilishini o‘yladi. Mehnat darsida tikkan chiroyli sochig‘ini yana bir bor ko‘zdan kechirdi. Nozik gullar tikilgan sochiq onasiga yoqsa kerak.

Oydin hovliga chiqdi. Issiqxonadagi gullar oynavand devorlardan ko‘rinib turibdi. Qizcha issiqxonaga kirib, chaman-chaman ochilib turgan gullarni ko‘rdi. Onasiga ishxonadan maqtov yorlig‘i berishganida, Oydin atirgullar bilan tabriklagan edi. Qarasa, issiqxona chetidagi ariqcha labida marvaridgullar ochilibdi.

– Voy, muncha chiroyli-a! Xuddi uyalib turgandek, hammasi bosh egibdi-ya.



Oydin mehr bilan marvaridgullarni uzdi, yashil barglar bilan bezadi. Hidlasa, shunday yoqimliki, onasi mamnun bo‘lsa kerak.

Oydin ayvonga kirdi. Onasi juda chiroyli ko‘ylak kiyib yasangan, nonushta hozirlamoqda.

Oydin:

– Oyijonim, mehribonim, sizni bayram bilan tabriklayman, sog‘ bo‘ling! – deb marvaridgullar va sovg‘asini onasiga berdi va uni quchoqladi. Onasi marvaridgullar va nozik did bilan tikilgan sochiqni ko‘rib, shunday xursand bo‘ldiki, yanada yosharib ketganday ko‘rindi Oydinga.

**"Hikoyalar to‘plami" kitobidan olindi.**

## "Sizning ham kitoblaringiz bo‘lsin!"



Qishloqqa borib jiyanlarimga "Katta bo‘lsalaring kim bo‘lasizlar?" deb so‘rasam, biri "hokim", biri "shifokor", yana boshqasi "Prezident bo‘laman", deydi. Maqsadlarining kattaligini eshitib quvonaman. Xuddi shu savolni suriyalik bir bolakayga berishganida "Men katta bo‘lamanmi?" deya savolga savol bilan javob qaytargan ekan...


Aziz bolajon, ehtimol, siz ham shifokor yoki prezident bo‘laman, dersiz. Umuman, qaysi kasbni tanlamang, maqsadlaringiz kattaligi, kelajagingiz yorug‘ligiga ishonaman. Tinimsiz izlanish va mehnat qilganlar orzulariga, albatta, erishadilar. Buni Turkiya Prezidenti Rejep Tayyip Erdo‘g‘on misolida ko‘ramiz!

U yoshligi haqida shunday deydi: "Bu mening hikoyam. Bolaligimdagi birinchi maqsadim. Uni olmoq uchun haftalab, oylab ishladim. Men olishni istagan sakkiz jildli kitobning hikoyasi. Qachon u kitoblarga qarasam, o‘zim, ya’ni kutubxona qurish orzusi bo‘lgan bolakay yodimga keladi. Hozirgi kutubxonamda u kitoblar bor, kitob javonimning boshida turadi. Sahifalarini ochganimda beg‘ubor bolaligim va onamning isi keladi. Endi o‘zim o‘zimga aytdimki, odam maqsadlari darajasida inson bo‘ladi. Bolalar, sizning ham kitoblaringiz va bu o‘lka uchun buyuk xayollaringiz bo‘lsin!"

Bugun dunyodagi eng yirik kutubxona qurgan Erdo‘g‘onning bolaligi shunday o‘tgan. Uning shu darajaga yetishiga kitoblarning ahamiyati katta ekanligini o‘qidingiz. Ko‘nglingizda kitob sotib olish va kutubxona qurish orzusi paydo qilolgan bo‘lsak, bundan faqat xursand bo‘lamiz.

**Sanam NISHONOVA**

## LABIRINT



## Ranglar jilosi



КЎРИК-ТАНЛОВ

# «БАЛЛИ, АЁЛЛАР!» АНИҚЛАНДИ

Гўзал айём арафасида ўтаётган тадбирларнинг файзи бўлакча. Мудофаа вазирлиги қўшинлари миқёсида «Мен намунали ҳарбий оила бекасиман» шиори остида «Балли, аёллар!» кўрик-танловининг якуний босқичи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Кўклам каби тароватли, аёл-қизларнинг ўзлари каби гўзаллик, нафосатга бой бу тадбир йиғилганларга байрамона баҳор нафасини туҳфа этди.

Кўрик-танловда иштирок этган тўққиз дилбар аёл тўртта шарт бўйича беллашдилар.

«Аёл дунёни тебратар» деб номланган биринчи шартни танишув ҳам дейиш мумкин. Бунда аёллар индивидуал ўзига хосликларини миллий бўёқлар, миллий ранг-баранглиқда намойиш этдилар.

Алла билан ҳақиқий ўғлонлар улғаяди, оқила қизлар вояга етади. Зукко ўқувчимиз шарт моҳиятини англади, деб ўйлаймиз. Ҳа, аёллар алла айтдилар: бир-бирини такрорламас ва шунинг баробарида меҳр-муҳаббатга тўла оҳанглар барчани сеҳрлаб қўйди, десак муболаға бўлмайди.



ЎзА суратлари

«Тадбиркорлик аёллар талқинида» деб номланибди учинчи шарт. Айнан шу шартда аёлларимиз қанчалар қўли гул бека эканликларини намойиш этдилар. Менинг назаримда бу борада биров бировдан қолишмади.

Бор-йўғи тўққиз нафар аёл. Аммо ҳар бирида шу қадар серқирра ижодкорлик мужассамки, кишини ҳайратга солади. Уларнинг ижросида ўзбек халқ лапарлари янграганида йиғилганлар қалби баҳорий завқ-шавққа тўлди.

Танлов ўз номи билан танлов. Бекалар маҳоратини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Маъмурахон Зоҳидова, Маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Бувижонлар мактаби» бюроси аъзоси Шоира Исмаилова, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази бош мутахассиси Феруза Акрамова баҳолаб борди.

Ниҳоят ғолибларни эълон қилиш фурсати етди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларидан иштирок этган Моҳичеҳра Умарова фахрли учинчи ўринга муносиб топилди.

Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинларидан қатнашган Моҳим Облоқуловага иккинчи ўрин насиб этди.

Биринчи ўринни Шарқий ҳарбий округдан Наргиза Жамолиддинова эгаллади.

Ғолиблар диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Назокат ЗАКАРИЁЕВА**

БИР ЧИМДИМ

Аёлларга ҳукм ўтказишнинг икки усули бор, лекин уни ҳеч ким билмайди.

ХАББАРД



**БИЛАСИЗМИ?**

Соҳибқирон Амир Темур лашкарлари амалдорларидан бири олдига белгиланган вақтларда навкарлар навбатма-навбат кириб, муштларини кўрсатишган. Амалдор эса уларнинг муштларини ўлчаб олган. Амалдор ким ва у нима учун муштларни ўлчаган?

**Жавоб:** мулкий тафовут амалдор. Аскарнинг мушт ягонаси ўнлаби бирлик ўнга тенглаштирилган.

**БИЛАСИЗМИ?**

Мир Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида бир тоифа инсонларнинг хизматини Ватан ҳимоячилари хизматига тенглаштирган. Навоий шарафлаган бу касб соҳиблари ким?

**Жавоб:** саёлотгарлар.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Комбат взвод командири билан беллашганда, ҳийла ишлатди. Нега?

Жамиятдаги янги «касб» ҳақида эшитгансиз. У билан шуғулланганларга жарима ҳам белгиланган.

VATANPARVAR

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:
подполковник
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Навбатчи:
Ислом ҚЎЧҚОРОВ

Саҳифаловчилар:
Рамиз ВАЛИЕВ
Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусаҳҳиҳлар:
Муҳаррам КАМОЛОВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:
71-260-36-50
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Буюртма: г-362
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 37 766 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.